

Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қониди, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

O'zingni angla!



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2021-yil
16-iyun
chorshanba
№ 25 (1241)

Gazeta 1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan * www.uzhurriyat.uz * @ gazhurriyat@mail.ru * t.me/hurriyatuz * Hurriyat gazetasi

МУШОҲАДА

Жаҳонда донг таратган, барча замон ва маконларнинг энг яхши ўйинчиси, деб тан олинган, футбол афсонаси Диего Марадонанинг ўлимидан олдинги сўнги сўзи шу бўлди: дунёда эришган барча ютуқларим учун тўпга раҳмат айтинг!

Мулоҳаза қилган киши бу гапнинг чуқур моҳиятга эга эканлигини тушунади. Ҳақиқатда миллиардлаб одамларнинг фикрини жам қилган, тортишувлар, мунозараларга сабабчи бўлган, уларни майдонларга тўплаган ва қалбларни тўғнага келтирган футбол деб аталмиш ўйиннинг асосини аслида тўп ташкил қилади. Ҳа, худди шундай: тўп йўқ экан, ўйин ҳам, футбол ҳам йўқ демасдир!

Шундан-да келиб чиқиб ўйлаб қолдим: ўзбек футболининг бугунги ночор ва аянчли ахvoli шу тўпга боғлиқ эмасмикан? Ахир Ўзбекистонда футболни ривожлантириш учун нималар қилинмади? Катта-катта пул эвазига донгдор футболчиларни сотиб олдик, ҳеч қандай фойдаси бўлмади. Қиммат, жуда катта пулларга зўр тренерларни таклиф қилдик, нафи тегмади. Оддий ўзбекининг етти ухлаб тушига кирмайдиган пулларни ва вақтимизни беҳуда елга совурганимиз қолди, холос. Аслида эса муаммо тўпда экан. Тўп бўлса майдон ҳам, тепадиган одам ҳам топилади.

Нима, Ўзбекистонда тўп йўқми, демокчимисиз. Албатта йўқ. Ҳа, ишонаверинг арзон, сифатли тўп йўқ. Биз ёшлигимизда тегган тўпни ёши кексалар яхши эсласха керак. Чунки, ўсмир борки тўп тепмаган бўлса. Оғзи боғич билан боғланадиган резина камерали тўп. Тоza чармдан, ўта чидамли бўларди. Тақир ерда, асфальтда тепсангиз ҳам анча-мунчага йиртилмасди. Маҳаллани қўйинг, ҳар бир кў-



ЎЗБЕК ФУТБОЛИ ҚАЧОН ДОВРУҚ ҚОЗОНАДИ?

чада турадиган болаларда битта иккитадан тўп бўларди. Кўпинча танга йиғиб тўп олардик. Ҳозир шундай сифатли тўп сотиб олишга унча-мунча кишининг имкони етмайди. Жуда қиммат. Ўртача нарҳдагиси икки уч ўйинга зўрға чидайди. Йиртилиб кетади. Шу сабабли юртимизда кўча футболни йўқолди. Футбол клубларида, мини футбол залларида ўйнаётганлар бор. Лекин бу оммавий футбол дегани эмас. Футбол клубларида бойваччаларнинг болалари, мини майдонларда ёши ўттиздан ошган, аксарият бақалоклар ўйнашапти. Бу қоринни ҳам йўқотмайди аслида. Соғлиқ учун ва келгусида катта футболга чиқиб ўртача ўйин кўрсатиб, катта ойлик олиб юрвчиларга фойдаси тегиши мумкин.

Миллионлар ўйинини миллионлаб ўсмирлар ўйнамас экан, унинг оммавийлигини таъминламас эканмиз, Ўзбекистонда футбол ривожланмайди. Ўзбекининг Пеле, Марадона, Рональдо, Месси ва Солаҳлари пахта боғ далаларида, завод ва фабрика цехларида, чет элларда пул топиш илжинида ишлаб, панада қолиб кетаверади.

Халқ футболни бўлмас экан, халқдан футболчи чиқмайди. Бунинг учун тўп, футбол тўпи ўзбекининг ўтмай қолган қарамайдек арзон ва кўп бўлиши керак.

Ўтган йиллари Месси ва Солаҳ иштирокдаги "Пепси" рекламасини телевизорда кўриб кўрсатишди. Оддий кишлоқ худудидаги ёқилги қуйиш шаҳобчасидаги музлатгичдан

пепси ичмоқчи бўлган Солаҳ билан Месси музлатгичдаги охириги банка пепси учун шу ерда тахланиб ётган футбол тўпларини ким яхши тепарига мусобақалашиб қолишади. Месси бу ёққа, Солаҳ бу ёққа тепиб, эски баллонларнинг икки учтасининг орасидан бирварақай ўтказиб юборишади. Гап охириги банка пепсининг бошқа бировга насиб қилганида эмас, ёқилги қуйиш станциясида тўпларнинг бемалол ётганлигида, унинг ҳаммаболлигида. Ҳеч ким тўпни нимага тепаялсан. Ахир қиммат тўп бўлса, сўрамайсанми, демайди. Тепилганига хурсанд.

Ўзбекистонда ҳам футбол тўпи арзон, пишқ ва етарлидан ҳам ортиқ кўп бўлмас экан, ўзбекдан футбол қироллари чиқмайди. Ўзбе-

кстон футбол мамлакатига айланмайди. Буни қандай амалга ошириш ҳукумат ҳукмига ҳавола. Бир нарсани айтишим мумкинки, қиммат футболчию тренерларга сарфланган маблағларга қанча тўп ишлаб чиқарувчи цехлару қанча стадион қурса бўларди.

Шу ўринда футбол майдонлари масаласида ҳам тўхталиб ўтсам. Олдиндан айтиб қўяй: мини футбол майдони катта футболга ҳеч қандай фойдаси тегмайди. У тижорат майдони холос. Бизга бепул, ҳамма фойдаланиш имкони бўлган оммавий ва стандарт, катта футбол майдонлари керак. Ўсмир катта майдонда югуриб тўп тепмас экан, ундан футболчи чиқмайди. У формага тушмайди. Ҳозирги футболчиларимизга ўхшаб! Ҳозирги футболчилар бир таймга зўрға чидайди. Чунки ўпкаси кўтармайди, кучи етмайди. Мини майдонда югурган ўйинчи катта майдонга қандай чидасин. Бу аквариумдаги баллиқни дарёга қўйиб юборишдай гап. Шунинг учун бизнинг ўйинчилар бир тайм яхши ўйнайди, иккинчи таймда, айниқса, охириги дақиқаларда хориб чарчаб қолишади, Биринчи таймда ютиб турган бўлишса ҳам, ўйин сўнгида ютқишилади. Буни рақиб жамоа яхши билади. У бир тайм чидаб берса бўлди, иккинчи тайм уларники бўлади.

Бунинг учун ўйинчини халқ ичидан, тозидек югуравериб пишиб кетган болалар ичидан излаш керак. Ўзбек боласига тўп беринг у тақир майдонда ҳам, қумда ҳам, совуқда ҳам, жазирамада ҳам тўп тепаверади. Агар унга майдон берилса-чи? Ҳозирги вақтда кўпчилик мактабларда футбол майдонлари бор. Уларни асраб қолиш, яшил, оммабоп майдонларга айлантириш ва ҳар биттасида ҳаваскорлик ва профессионал футбол мактаблари ташкил қилиш керак. Бу мактабларга донгдор футболчиларни бириктириш керак.

5-6

АЖДОДЛАР МЕРОСИ

ҲАЗИНИЙНИНГ ҲАЗИН ҲАЁТИ

Сийрати гўзал, сурати ҳазин

Ҳазиний уй музейи. Деворда "Тазкираи Қайюми"да тасвирлангандек, новча бўйли, оқ юзли, соқолли, кўркам қоматли, тоза, озода киши ҳазин боқиб турибди. Оппоқ кийим, сариқ тўн ва кавушда. Ҳамроқул қори томонидан қўйланган кўшиқ эса грамафондан сизиб чиқиб, суратга монанд юракка сакинат бағишлайди:

Ҳазиний дуоси бўлурму қабул,
Бу гарқи гуно, ё ҳаёт ан-набий?!

Музей мудириси, учинчи авлод – Ҳазинийнинг чевараси (Ҳазинийнинг ўғли Сотиболдихон эшон-буваннинг ўғли Манзирхон Зиёевнинг қизи) Нарғиза Манзурнинг айтишича, бобокалони Кўқон адабий мухитининг энг сўнгги мумтоз мутасаввуф шоирларидан бўлган. Ҳазинийга "тўра", "эшон" деб нисбат берилиши унинг ўттиз ёшида, яъни ҳижрий 1314, милодий 1897 йили иршод – ҳидоят йўлига раҳнамолик қилиш учун руҳсат – пир ризоси ва унинг белгиси сифатида "салла ва бир малла тўн" олгани билан далилланади. Демак, Ҳазиний тўранинг ҳамшиша сариқ тўн, оқ ятак, салла ва кавушда юришининг боиси шундан. Тасаввуф таълимоти ни йирк тарихат пешволаридан бўлмиш Ҳакимхон халифадан олган толибнинг кейинчалик шоир ва шайх бўлиб етишишида шу инсон – пирининг хизмати бениҳоя улкан бўлган. Ҳазиний ижодидан ҳам маълумки, унинг пирига ҳурмати ва илхоси ҳам шу қадар чексиз. Жумладан, "Ҳажрида" радиони мухаммасида "Йиғларам уч йил пиримга жонфишонинг ҳажрида" деган сатрларга кўзимиз тушади.

Шоир, ҳофиз ва шайх сифатида танилган Зиёвуддинхон Дониёлхон ўғли Ҳазиний 56 йиллик умр йўлини (1867-1923) ҳозирги Фарғона вилояти Учкўприк туманига қарашли Катта Кенагас қишлоғида ўтказган. Отасининг исми Каттахўжа бу-

либ, бошланғич таълимни ундан олган. Сўнг мутолаа йўли билан кўп билим ҳосил қилиб, фазлу камолотга эришган.

Ҳазиний ижодида доир қатор тадқиқот, изланишлар олиб борган, китоблар чоп эттирган филология фанлари номзоди Отабек Жўрабоев "Девон"да шоир шахсига доир қимматли маълумотлар беради: "Зиёвуддинхон мурид сифатида мурид тарбияси билан шуғулланиш баробарида деҳқончилик билан ҳалол кун кечирди. У ўз имкони доирасида халқ турмушини фаровон қилишга интилар, турли ободончилик ишларини амалга оширарди. Масалан, ҳозирги Фарғона вилояти Бағдод туманига қарашли Чопдор қишлоғи яқинидаги 40 танобча (12 таноб 1 гектарга тенг) келадиган қумлик ерни ўзлаштириб, боғ барпо этган. Боғ ўртасига катта ҳовуз қавлатиб, атрофига тегирмон ва бошқа бинолар қурдиари. Яна, ушбу оромбахш жой кумга тушиб турли касалликлардан даволанувчилар учун маскан бўлиб қолган. Шоир бу жойни "Регистон" деб номлайди:

Мисли ул Вайс ул-Қаран,

Чўлларда тутмишман ватан,

Ахтариб ҳар ким Ҳазинийни Регистондин топар.
У қишлоғи Кенагасдан Регистонгача доим пиёда қатнаган (оралиқ масофа 22 км). Ушбу маскан баъзи сабабларга кўра 1943 йили бузилган. Воқеага шохид бўлганларнинг таъкидлашича, боғни бузишда иштирок этган киши кўп ўтмай ногирон бўлиб қолган. Шу сабабли боғни вайрон қилишдан кўпчилик ҳайиқиб иш пайсалга солинади. Ҳовуз ва унинг атрофидаги дарахтзорнинг бир қисми эса сақланиб қолади. Ҳазиний таваллудининг 125 йиллиги муносабати билан бу маскан қайта тикланди". Рафиқаси Қумрихон туғилган ҳозирги Бағдод туманидаги Қоровултепа қишлоғида ҳашар йўли билан қурдирган катта масжид эса 1943 йилда ёниб кетган.

8-6

НУҚТАИ НАЗАР



Коррупциянинг чигал илдизи

Ўтган 2020 йил давомида юртимизда коррупция билан боғлиқ жами 2 минг 270 нафар шахсга нисбатан 1 минг 502 та жиноят иши кўриб чиқилган. 122 нафар шахс давлат органлари ходимлари бўлатуриб, мансаб ваколатини суиистеъмол қилган...

Коррупция бугунги куннинг тараққиётта тўсиқ бўлувчи энг жиддий глобал муаммоларидан бирига айланиб бўлди. Унинг турли шакллари ва юзага келиш сабаблари мавжуд. Рақобат муҳитига таъсир қилувчи имтиёزلарни бериш ҳам мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, таниш-билишчилик, қонунчиликдаги камчиликлардан фойдаланиш, бюрократия, лоббизм, манфаатдорлик каби шакллари билан бирга коррупцияга олиб келувчи омиллар қаторига кириб улгурди. Жумладан, айрим субъектларгагина турли

қўринишдаги индивидуал солиқ ва божхона имтиёзлари, субсидия ва преференциялар бериш ҳамда имтиёзли кредитлар ажратиш амалиёти рақобат муҳитини яхшилаш, бизнес юритишнинг тенг имкониятларини яратиш борасидаги ислохотларга узининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан бу соҳада мунтазам равишда таҳлил ва ўрганишлар амалга оширилмоқда.

2-6

ОЧИҚЧАСИГА ГАПЛАШАМИЗ



ҚИДИРУВ:

"ЗУЛФИЯЧИ"ЛАР, ҚАЕРДАСИЗ?!

Ҳақиқий ижодкор муқофот учун ишламайди. Кимдандир нимадир кутиб яшамайди. Ҳеч қачон лавозим ёки мансабга интилмайди. Зеро, халқнинг эътибори энг катта соғини, ҳақ гапни ҳайиқмасдан айтма олганининг ўзи у учун юксак рағбатдир. Ҳақиқий ижодкор, шоир-ёзувчи, журналист аини шу меzonларга жиддий қарай олиши ҳам бир санъат аслида! Ҳар йили Зулфия номидаги давлат муқофотида ҳужжат

топириш бошланса, "фикрнома" сўраб келувчи ёш "истеъдодлар" сони кўпайиб қолади. Уларнинг айримлари ҳали мактаб ўқувчиси бўлишига қарамай, 10-15 та муаллифлик китобини нашр эттирганга нима дейсиз? Ҳаммаси танлов учун, афсуски, бу "асар"ларнинг дейрли пичоққа илинадигани жуда кам бўлади...

5-6

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИДАН

46 минг нафар ёш меҳнат бозорига кириб келмоқда

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида жойлашган Матбуот уйида "Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!" шiori остида 15-17 июнь кунлари бўлиб ўтadиган фестивалда матбуот анжумани ўтказилди. Унда журналистлар ва блогерлар иштирок этди.



Анжуман давомида 150 мингдан ортиқ ёшлар камраб олинadиган 15 га яқин лойиҳалар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Маълумот ўрнида, вилоятда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 611 мингдан зиёд йигит-қиз истиқомат қилади. Бу йил таълим муассасалари ва мактабларни тугатган 46 минг нафар ёш меҳнат бозорига кириб келмоқда.

ЎЗЖНУ Сурхондарё вилоят бўлими.

Фахрий журналистлар дийдорлашди

Самарқанд вилояти Матбуот уйида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими томонидан фахрий журналистлар иштирокида "Самарқанд журналистикаси: маҳорат ва тажриба" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.



Тадбирда уюшманинг вилоят бўлими раиси Фармон Тошев мамлакатдаги жадал ислохотлар даврида журналистлар олдига турган асосий вазифалар, хусусан соҳада кадрлар маҳоратини ошириш борасидаги вазифаларга тўхталди. Тўпланганларга Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг конференциясида кўтарилган таклиф ва мулоҳазалар хусусида ахборот берди.

Фаолиятим давомида турли соҳа вакиллари билан суҳбатда бўлганман. Лекин ҳамкасблар билан ижодий мулоқот бошқача, — деди фахрий журналист Абдурашул Ашуров. — Тадбир баҳона анчадан буён дийдорлашмаган ҳамкасбларим билан кўришиб, ўша даврларни эсга олдик. Бу албатта, ижодкорга илҳом бериб, завқлантиради.

Тадбир давомида бир гуруҳ уюшма аъзоларига янгиланган намунадаги гувоҳнома ва кўкрак нишонлари топширилди.

ЎЗЖНУ Самарқанд вилоят бўлими.

Ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилинди

Гулистонда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Сирдарё вилоят бўлими ҳайъатининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими раиси Бойжигит Абдуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Холида Пардабоева ва бошқа мутасаддилар иштирок этди.

Тадбир давомида соҳадаги камчилик ва ютуқлар таҳлил қилиниб, вазифалар белгилаб олинди. Йиғилиш сўнггида билдирилган фикр ва мулоҳазалар жамланиб, ҳудудий бўлимнинг 2021 йилнинг иккинчи ярми учун иш режаси тасдиқланди.

ЎЗЖНУ Сирдарё вилоят бўлими.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ахборот хизмати

САЎБАТ

Тошкентнинг машҳур, ҳамisha одамлар билан гаежум Сайлгоҳ кўчасидан утарканман, кўқис кўғирчоқ уйнаётган, ёши қирқ беш-элликлар атрофидаги бир одам эътиборимни тортди. Унинг бутун дунёни унутиб, болаларга бегубор хонши қилишини қаранг-а! Ҳазимга ноаҳозий табассум югурди. Унга қўшилиб хиргойи қилгим, кўғирчоқларни бир-бир уйнаганим келдию ўша, хали таниб улгурмаганим, бироқ мунг йилдан буён танидишандек яқинлик у инсоннинг ёнига чорлади. Атрофни, дунёни ўзимни унутиб, бир дам балага айландим ўша чоқ. Бу кўғирчоқ болалигимда уйнаган "Саломатхон"дан буткул бошқача: таёвдек қотиб туравермас экан. Айтгандай, кўғирчоқ театрига ҳеч борганмисиз? Борган бўлсангиз, дуруст, у ерда турли "рол"ларга кирувчи, худди митти одамчаларга ўхшаб кўғирчоқларни кўрган бўлсангиз керак? Уларга жон киргандай, а?! Энг қизиғи, ўша одам қўлидаги кўғирчоқларга сиз, ўзингиз жон бахш этшингиз мумкин: уни ўйнатсангиз, рақсага тушади, сиздан беркиндаи, кулади, хафа бўлади... фақат гапирмайди, холос. Бироқ яхшилаб рази солсангиз, унинг тилини шунарсиз ҳам.

Келинг, мен ҳам бир ўйнатиб кўрай! Улардан бирини қўлимга олишимни биламан, уста акамиз хиргойини бошлаб юборди-ку:

Тўлиқон ўзи чаққон,
Қоқи гулши таққан,
Бир қилиши бор учун
Ойлиқонга ёққан".

Кўп ўтмай атроф тумонат одамга тўлди. Қойил-е, тулпа-тузуқ кўғирчоқ уйнатувчи эканман! Буни сиз ҳам элайсиз! Фақат уларни бир бор қўлингизга олсангиз бас, қўлингиз келмайди.

Ҳаётини кўғирчоқларга бағишлаган Уринбой ака Иброҳимов ҳар кун шу кўчада одамларни бир дам бўлсин, дунё ташвишларидан чекинтириб, эртақлар оламига етаклаётгандек. Бизнинг ҳам у киши билан болалар оламига, эртақлар дунёсига саёхат қилгимиз келди.

“МЕНИНГ ИСМИМ – ҚЎҒИРЧОҚБОЗ!”

— Уринбой ака, нега айнан санъатнинг бу турига мурожаат қилдингиз?
— Инсоннинг болалик йиллари унинг келажаги, тақдир йўлларини белгилаб берарканми, дейман. Беш-олти ёшимдан бобом Иброҳим ота мени ўзи билан турли тўю томошаларга етаклаб борувчи эди. У киши кўғирчоқ уйнатувчи, дорбоз бўлиб, Амударё туманидаги бирор хатна тўй уларнинг иштирокисиз ўтмасди. Шундай давраларда кичикдан тортиб катталарнинг-да завқланиб, мириқиб қулишлари, юз-кўзларидидаги шодлик ифодасини кўриб, кўнглимда бир тоғ қад кўтаргандай бўларди. Дунёда болалар, аёллар, умуман одамларнинг табассумидан ортиқ иқбол йўлдек мен учун. Ҳа, бахт, шодлик, тинчлик, хотиржамлик, жамики эзгуликларни одам қулгиси орқали ифода этмайди, ахир! Ушунда кўнглимни гуллатган табассумлар ҳануз қулғим остида жаранглайди: қалбимда одамларга мана шу бебаҳо тортиқни улашиш истаги, ишқи тугилди. Кейин боланинг феъл-атвори, ўй-фикри, оруз-интилишида муҳитнинг таъсири жуда сезиларли экан. Ота-онам ҳам гўзалликка ошуфта одамлар бўлган, ҳар кеч улар ишдан, биз ўқидан қайтганимиздан сўнг эринмай, вақтларини аямай бизга кўғирчоқ спектаклини қўйиб берардилар. Уйимиз тўрида супача бўларди, ўша ерга парда тортиб "сахна" ясашарди, қаран! Бу "сахна" бизни ҳаёт сахнасига тайёрлади десам, янглишмайман. Кўз ўнгингизда жонсиз матоҳга жон киришини тасаввур қилинг-а! Бу мўъжиза эмасми?! Мурғаклигимдаёқ кўнглимда ана шу мўъжизаларни яратиш фикри уйғонгани шундан. 1983 йили Тошкент давлат маданият ва санъат институтининг кўғирчоқ актёрлиги факультетига ўқинишга кирдим. 1987 йили ўқишни тамомлаб, Бухоро давлат кўғирчоқ театрида иш бошладим. У ерда ҳам актёр, ҳам режиссёр бўлиб ўқиниш билан шуғулландим. Ўқиб даврида кўғирчоқ яшаш технологияси дарсига қизиқишим бўлакча эди. Ҳафтада бир мартагина бўладиган дарсини интиқиб кутар, бўш пайтла-

рим мустақил кўғирчоқлар ясардим. Бу кейинчалик ижодий фаолиятимда жуда асқотди.
— Кўғирчоқларнинг болалар руҳияти, саломатлиги ва маънавиятига таъсири ҳақида сиз нима дейсиз?
— Болалар ўзидан ўн чандон кичик кўғирчоқни қўлига олса, кўз ўнгидан у ҳар хил ҳаракатларга келса, албатта, у хурсанд бўлади. Секин-аста унинг онгида тирилик, ҳаёт ҳақида тушунача шакллана боради. Бу унда интилиш, қизиқишни уйғотади. Ҳаракатчан кўғирчоқ унга ҳаёт ҳақидаги илк тасаввурни беради. Боланинг ранг-тасвири ақратиши, кўриш, эшитиш қобилияти ва тасаввурни ривожланиши.
Шу кунгача болаларга яратиладиган барча кашфиётлар биринчи гада уларнинг саломатлиги учун хизмат қилиши кўзда тутилди. Дунёнинг қай бурчига қараманг, кўғирчоқбоз усталар коғоз, маккажўхори, ёғоч, мато, жун ва турли иплардан кўғирчоқ ясашга алоҳида эътибор беради. Табиийликка интилади.
Боланинг кўғирчоқбоз бўлишига жуда қатъий сезамиз.
— Қўғирчоқбоз одам ернинг қай бурчидан бўлмасин, уни гўзаллик ва ахлоққа интилиши, эзгуликка топинишида яқинлики тан олмай қорамиз йўқ. Ҳар миллатнинг ўз кўғирчоғи, киефаси бўлади-ку. Демак, ҳар ким ўзи ишлаган ошиёи ўзи еяверса", бағри-

кенилик унутилса, дунёқараш, онг-тафаккур ҳам шунага яраша бўлмайди? Ахир, маданияту адабиёт, санъату фаросат бир-бирдан улғиб олиб, соҳани юксалтирмайдими?
— Бу гапингизда жон бор. Албатта, халқлар бир-бирдан ўрганади, бир-бирини шакллантиради ва ҳоказо. Нега энди ўзбек боласи француз кўғирчоғини ўйнамаслиги керак? Ҳеч ким бунга чек қўяётгани йўқ. Фақат ота-оналарнинг зиммасига юкланадиган вазифа шунданки, уйинчоқларни боланинг ёши, жинси ва қизиқишига монанд танлаб берсин. Бу уйинчоқлар унинг келажаги ва қизиқишларининг рўёбга чиқиши учун туртки бўлсин. Эзгуликка хизмат қилса, бас. Гап шунда, синглим.
— Қаҳрамонларни ҳар бир ижодкор ўз билими ва дунёқарашидан доирада тасаввур қилади. Сиз кўғирчоқларни ясашда халқ оғзига ижодияти, фольклорга мурожаат қиласизми? Устоз хунармандлар ижодидан ўрганган пайтларингиз ҳам бўладими?
— Менинг қаҳрамоним асосан Бичхон, Қачалповон, Зумрад-Қумматлар каби эртақ қаҳрамонларидан бири бўлади. Мен бирор чиройли қизни кўғирчоқ қилиб, худди ўзига ўхшатиб ясагани сира хоҳламайман. Буни у киз ўзига ҳақорат деб билиши мумкин. Эртақ қаҳрамонлари ўлмас, шу билан бирга ҳеч кимнинг шахсиятига, ғурурига тегмайдиған образлар. Ҳар бир ижодкор эртақ қаҳрамонини ўз қўзи билан кўради, муайян тасаввур йўқ. Ижодкорнинг ижодкорлиги ҳам шунда деб биламан. Марат Тақвигарнинг устозимнинг кўп ҳадисини олганман. Кўғирчоқ театрида ишлаганим ҳам менга обр-раз, шакл топшида жуда ёрдам беради. Ийгирама йил мобайнида ҳар хил кўғирчоқлар ўйнатиб, турли роллар

иқро этганман. Рассомлар ижодига кўп мурожаат қиламан. Тўғри, уларнинг асарини ўғирлаб олишга ҳаққим йўқ. Ўзимнинг тасаввуримдаги ва устоз-хунарманд, рассомлар талқинидаги қаҳрамонларни бирлаштириб, оралиқни танлайман. Шу пайтгача яратган кўғирчоқларимни сира саногига эътибор қилмаган эканман. Шунга айтишим мумкинки, ҳеч бирини қайта яратолмаганман, истасам ҳам ўхшамаган кезлари бўлган.
— Ишганинги босувчилар борми?
— Шопирларим — менинг фарзандларим. Оилавий тадбиркорлик, десак ҳам бўлади (кулади). Бундан уч-тўрт йиллар олдин Касаба уюшмасига мурожаат қилиб, ногирон болаларга шу хунарни холос ўргатиш таклифини айтганимда, кинояли кулганлар ҳам бўлди. Уларни ҳаётга, гўзалликка қайтариш учун биз шу ишларни қилмасак, ким қилади? Мен, масалан, ўзимни шу ишда масъулман, деб ҳисоблайман. Қувонарлики, улар ўз кўллари билан шундай гўзаллиқни яратиб олишди. Ўзлари ясаган кўғирчоқларини уларга совға қилдим. Дунёда қоладигани меҳр, яхшилик эмасми? Балки улар кейин кўғирчоқбоз актёр ёки уста бўлишмас, бироқ кўнглиларидан яхшилик қуртак очгани аниқ. Мен шундан хурсанд бўламан.
Севара УЛУҒБЕК кизи суҳбатлашди.



майдаги "Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан, солиқ ва боғжона имтиёзлари ҳамда преференциялар қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳужжатлари билан умуман тармоқлар, фаолият соҳалари, ҳудудлар учун берилиши; вақтинчалик имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳужжатлари билан 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатда берилиши; инди-видуал имтиёзлар, алоҳида ҳолларда, хусусий сектор инвестиция қиритишдан манфаатдор бўлмаган тармоқларда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш учун, аниқ ижтимоий ёки иқтисодий асослар мавжуд бўлганда ёхуд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳужжатлари билан берилиши кўрсатиб ўтилди.
Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги "Солиқ ва боғжона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан 2019 йилнинг 1 октябрдан асбест, кўмир, ёғоч материаллари, ёғоч ва ундан тайёрланган буюмлар, углеводород хомашёси ҚҚС (қўшилган қиймат солиғи)дан озод қилинмайдиган бўлди. Натигада, ҳаммага бир хил шароит яратиш учун импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари мажбурий тартибда қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтиши тартиби қиритилиб, имтиёз бекор қилинди. Бунга қадар, маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ҚҚС тўловчиси бўлса-да, импорт қилган тадбиркорлик субъектлари тўловлардан озод бўлган.
Тўртинчидан, 2020 йил 19 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Алоҳида солиқ ва боғжона имтиёзларини бекор қилиш тўғрисида"ги Қарори билан бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қўшилган қиймат солиғи билан боғлиқ солиқ ва боғжона имтиёзлари бекор қилинди. Жумладан, мазкур Фармонга асосан, экспортёр корхоналарга экспорт улушига мутаносиб равишда берилган регрессив солиқ ставкалари бекор қилинди.
Бешинчидан, Президентимизнинг 2020 йил 21 августдаги "Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан стратегик аҳамиятга эга ҳўжалик жамиятлари ва корхоналар учун товарлар

Ақмак БУРХАНОВ,
Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори.

ЭЪТИБОР

РАҒБАТ — САМАРАЛИ
ФАОЛИЯТ ПИЛЛАПОЯСИ

Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари ўртасида кўп асрлик дўстлик ва қўшничилик ришталари мавжуд. Маълумот ўрнида айтиш керакки, ҳозирда мамлакатимиздаги уч юзга яқин умумтаълим мактабларида тожик тилида ҳам дарс берилади. Бир қатор ўрта ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Самарқанд ва Термиз давлат университетларида тожик филологияси бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Тошкент шаҳри ва вилоятларда тожик маданият марказлари самарали фаолият юритмоқда.

Ўнга яқин туман ва шаҳар газеталарида тожик тили саҳифалари бор. Марказий ва ҳудудий телерадиоканалларда тожик тилида кўрсатув ва радиодураштинлар тайёрланиб эфирга узатишмоқда. Ўтган йили Самарқанд шаҳрида нашр этиладиган вилоят ҳокимлигининг "Овози Самарқанд" газетасининг 30 йиллиги кенг нишонланди. Ушбу тахририят жамоаси Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказиб келинаётган "Олтин қалам" танловининг матбуот йўналиши бўйича ғолиби ҳисобланади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан юртимизда турли тилларда фаолият олиб бораётган оммавий ахборот воситалари, уларда меҳнат қилаётган ходимларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Тожик, қозоқ ва бошқа тилларда фаолият олиб борадиган оммавий ахборот воситаларида самарали меҳнат қилиб келаётган истеъдодли, қалами ўткир журналистлар уюшма томонидан моддий ва маънавий рағбатлантириб келинаётгани фикримизни тасдиқлайди.

Уюшма томонидан амалга оширилаётган ана шундай тадбирлардан бири кунги кеча "Овози тожик" ва "Нури жол" газеталари тахририятларида бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

раиси Олимжон Ҳасанов кўпмиллатли мамлакатимизда матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги ислохотлар ортага кайтмас тус олгани, уюшма томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, турли миллат ва эллатга мансуб ҳамкасблар ўртасида ўзаро дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилишини алоҳида таъкидлади.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан "Овози тожик" ва "Нури жол" газеталари тахририятларига замонавий компьютер тўпламлари совға қилинди. Шунингдек, уюшма аъзоллигига қабул қилинган "Овози тожик" газетаси бош муҳаррири Шерпўлат Вакилов, тахририят масъул котиби Аъли Назриев ҳамда "Нури жол" газетаси бош муҳаррири, уюшма аъзоси Ғулумзоқир Юсупов ва газета бўлим муҳаррири Жаннат Молдашевваларга аъзолик гувоҳнома ҳамада аъзолик кўркак нишонлари тантанали равишда топширилди. Зеро, рағбат — самарали фаолият учун пиллапоядир.

Ислом АСНЉБЕКОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
мутахассиси.

УМР САҲИФАЛАРИ

Меҳнат сафарари

Ўшанда "Ёш ленинчи" (ҳозирги "Ёшлар овози") газетаси тахририятида иш бошлаганимга энди бир йил бўлган. Бўлим мудиримиз Республика Ёшлар идораси (ўша пайтда Комсомол комитети)га чакришаётганини айтди. Бордим. Ўша пайтда Раъно Хабибона номини эшитса, назаримда дарахтлар ҳам бир силкиниб тушарди. Тортиниб, ийманиб хонасига кирдим. Катта хонанинг тўрида ўтирган раҳбар опа воқеани тушунтириб, қўлимга шикоят хатини тутқазди.

— Яхшилаб ўрганиб, муаммони ҳал қилиб келгин, — деди Р. Абдуллаева.

Хонадан чиқдим. Лекин вужудимдаги титроқ, ҳаяжон ҳали тўхтамаганди. Пастки қаватга тушиб, диванда бироз ўтирдим. Сўнг ишхонага келиб, керакли ҳужжатларни тўғриладим.

— Қиз бола бошинг билан бунақа ишларни бажара опасанми, қийналмайсанми? — онажоним (Аллоҳ раҳмат қилсин) аввалига безовталандилар. Кейин:

— Ҳа энди, ишинг бўлгандан кейин қиласан-да. Фақат эҳтиёт бўл. Иродали ва кучли бўл. Ҳақиқатни топ, ўрган, — дея оқ фотиҳа бергандилар.

Бу менинг биринчи меҳнат сафарим эди. Фарғонага бордим. Вилоятдан Марғилон шаҳар комсомол ташкилоти биринчи котиби Турғуной Эгамбердиева менга ҳамроҳлик қилди. Аризадаги воқеа бироз қалтирсроқ эди, чиндан ҳам эҳтиёткорлик талаб қилнарди.

Яъни, 19 ёшли Татьяна отаси таниш-билиш қилиб, комбинатга ишга жойлаган экан. Цех бошлиғи қинғир ишларига уни шерик қилмоқчи бўлибди. Татьяна кўнмаган. Шундан сўнг, уни асосси баҳоналар билан ишдан бўшатган. Биз Татьянанинг отасига учрадик. Комбинат раҳбарларини воқеадан воқиф этдик. Хуллас, қиз ишга тикланди. Ўшанда шойи комбинатига ишга кириш илнжиди юрган яна бошқа бир нечта йигит-қизларни ҳам ишга жойлаштиришга кўмаклашганмиз. Ишимиз биттач, шаҳарни томоша қилдик. Сира ёдимдан чиқмайди. Бир хароба ёдгорликни зиёрат қилгани бордик. Кабуларнинг кўплигидан қабр кўринмасди.

— Кабулархона, — деди ҳамроҳим.


— Кимнинг қабри, бу ерда ким ётибди, — сўрадим.

— Мухаммад саллолпоху алайҳи васалламнинг саҳобаси, биринчи халифа Абу Бакр Сиддиқнинг авлодларидан бирининг қабри, — жавоб қилди ҳамроҳим.

— Эй, бу кабуларлар бежиз бу ерга тўпланишмаган экан-да...

— Ҳа, бу эҳтиром, улуғларга эҳтиромни ҳозирча кабуларлар бажаришди. Одамлар эса буларни боқийлашти. Хабарингиз бор, обод қилайлик, десак рухсат беришмапти...

Кабуларлар кўплигидан ерга сочилган дон-дунларни базур кўрдим. Бу зиёратгоҳ



Тошкентга қайтганимдан кейин ҳам кўз олдимдан кетмади. Аввалига ҳисобот тарзида Татьянанинг ишга жойлаштирилгани ҳақида ёздим. Кейин эса "Муқаддас кабуларлар" очерким кўпчиликка манзур бўлган эди.

Орадан йиллар ўтди. Бир кун қўшним олима Ҳалима опаникида Турғуной билан учрашиб қолдик. Ўша воқеаларни эсладик. Кейин у ҳозир ўша мақбара бутунлай янги тус олганини айтди. У қўлигул усталар томонидан тўлиқ таъмирланибди. Бунга сабаб Ҳиндистондаги Агра университетининг тарихшунослари келиб, кабулархонани ўрганишган экан.



Иккинчи шикоят изидан

Биринчи меҳнат сафарим завқини туоуб улгурмаган эдим. Ёз тугаб, куз бошланганди. Тахририятда эса иш қизгин. Айниқса, "Адабиёт ва санъат" бўлимида. Улмас Умарбеков, Эркин Воҳидов каби қатор ёш қалам аҳлига лауреатлик унвони берилган. Улар ҳақида бир саҳифадан материал тайёрлаш керак. Кутилмаганда яна Ёшлар идорасига чакришиди. Бордим. Яна шикоят. Бу сафаригиси Хоразмдан экан. Тўрт нафар қиз ёзишган экан. Мактабини тугатиб, Олий ўқув юртига ўқишга кирамиз деса, ота-оналари турмушга узатмоқчи экан.

— Агар ёрдан бермасангиз, ўзимизни ёқамиз, — деб ёзишбди.

Хатни олиб йўлга тушдим.

МУТОЛАА

Пойтахт, ҳозирги Тарих музейи ёнида 16 қаватли Ўза жойлашган бинода ўша пайтда чоп қилинган ва анча машҳур нашрлардан бири бўлган "Совет Ўзбекистони санъати" журнали ҳам жойлашган эди. Журнал тахририяти мазкур бинонинг анча юқорисиди, 10- ва 11-қаватда эди, адашмасан. Залнинг охиридаги зинаполия қоронғи йўлакдан кирилса, унғ томондаги биринчи хона оғайнимиз Асқар Маҳкамнинг ҳужраси эди. Биз кўним топган "Ёшлик" журналининг наср бўлими ҳам 8-қаватнинг айнан қоронғи йўлак томонидидаги биринчи хонани "Овози Тожик" газетасидан бепул ижарага олган бўлиб, деразасидан "Тошкент" меҳмонхонаси яқинида ёзган ресторанининг соябони кўриниб турарди.

Биз иш пайтида кўпчиси "чёрный выход" дейдиганимиз — ана шу қоронғи йўлак зиналаридан тушиб-чиқиб боғланиб турардик. Шу томон яқин эди.

Бир кун тушдан кейин Асқарнинг қаватига кўтарилсам, ҳайҳот, у йўлакда тандирдан янги узилган нондек қизариб турган ўзи тенги, уртабуй, миктигани йигит билан бақир-чақир қилаётган экан:

— Ҳой бола, эсинг жойидами ўзи, комсомол мукофотини олишга уялмайсанми?! — деб жигибийрон бўлаётган Асқар қўлини арра-арра қилиб юқори кўтарди.

— Нега уяламан, хизматимга яраша қадримни топсам нима бўпти! — деб Асқарни уриб юборгудек ҳезланиб турганди нотаниш йигит.

— Эй сен, ўпанкани бос, бобонгнинг бир тукига ҳам арзимайдиган мукофот қадри бўлиб қолди, галвар!

— Тўғри айтсан, нафақат комсомол мукофоти, ундан каттароғи ҳам эҳтимол арзимас, аммо...

— Ҳай-ҳай, бола, ўзингни бос! — деб Асқар орқасига ўтирилиб мени кўриб қолди. Бош чайқанча ёнимга келиб сўрашгач: эшикни очиб бироз қарадимми? — деб сўради паст товушда.

— Ҳа, қаради, — дедим.

— Ким?

"Абдулла Орипов қаради", деган маънода шоирнинг шеърисидаги бир сўзни айтдим.

Асқар лабини тийлаб бош чайқайди ва бояғи йигитга қараб, курсаткич бармоғини лабига босди. Нотаниш йигит ҳовуридан тушиб мен томон келади-да: "Яхшимисиз?" деб сўрашгач, яна изига қайтади. Асқар "Мен ҳозир келаман", деб, нотаниш йигитни лифт томонга бошлаб ке-

Исёнкор уста

тади. Чорак соатдан сўнг қайтиб келиб, мени ҳужрасига бошлаб киради. Ичкарида Абдулла Орипов қандайдир кўлёмани тахрир қилиб ўтирган экан. Сўрашдик. Сўнг ишнни яқунлаб ўрнидан турди:

— Асқаржон, мен Ғафур Ғулум нашриётига бориб келаман, — деди. — Анави дўстингиз дохийимиз шаънига ҳар хил гапларни эҳтиёт бўлиб айтсин, ўзига қийин бўлади.

Шоирнинг қадам товушлари узоқлашган:

— У тўғри айтяпти, бу ердаги гап-сўзларни керакли ташкилот вакиллари эшитиб ўтиришар эмш, — деди Асқар. Қўлиб юбордим:

— Нима бало, ўша ташкилотларнинг бошқа иши йўқмикан?

— Уларнинг асосий иши одамларнинг оғзини пойлашдан иборат экан-да! Абдулла ака бир нарсани билмаса гапирмайди.

— Э-э-э! — деб кўл силтадим. — Кўрқоқнинг кўзига ҳамма нарса кўшалоқ кўринади, ошна!

Асқар қўлиб қўйди. Сўнг: бояғи йигитни танидингизми? — деди менга чой узата туриб. Танимаганимни айтдим.

— Шеркон Қодирий. Бобоси номидида маданият институтида дарс беради. Ҳаваскор талаба билан бир пьесани саҳналаштирибди. Ўша спектакль республика мукофотига тавсия этилибди. Мен унга "Номзодинни олиб ташлагин, уят бўлади", десам, жавобини ашитдингиз.

Хуллас, Шеркон билан ўшанда оёқ устида танишганман: у менда ялтироқ таассурот қолдирган. Ўша комсомол мукофотини олган-олмаганини аниқ билмайман. Менимча, Шеркон жўрт-тага Асқар Маҳкамнинг жияга тегиш учун ўзини мукофотларас этиб кўрсатган эди. Уларнинг муносабатидан бир-бирига синашга бўлиб қолган дўстлар эканини англаганман.

Ун-ўн беш йил олдин Шеркон Қодирий "37-хонадон" номли ихчамгина бўлса-да, эсда қоладиган китобини нашр эттирганди. У ҳақда тақриз эзиб, ўзим таниш-билишларга совға қилиб юрган эдим. Кейин яна китоби чиққанми-йўқми, билмайман. Агар тиркичилик қўлини боғлаб қўймаса, у албатта, келажакка қоладиган умр китоби ёзишга қодир эканини яхши билганман.

Бирок ўзи бошқача йўл тутди:

"Дадам вафотларидан сўнг (1989 йил — муаллиф) бироз қалам тебратишга тўғри келди.

Яъни матбуотдагилар: "Бобонгиз ҳақидаги хотиралардан олиб келинг", дейишгач, ўзим тўплаган эсдаликларни олиб бориб турардим.

Бир кун устозларимиздан Неъмат Аминов хузурларига чорлаб:

— Ёзаётганларингизни ўқидим. Яхши. Бирок бир маслаҳат бор, дедилар. —Сизга жуда қийин. Йўлингизда икки катта тоғ бор. Бири бобонгиз, иккинчиси дадангиз. Агар шу икки тоғқа яқинлашсангиз, ёзинг. Одамлар ўқиб: "Шундай яхши нарса ёзибди-я!" дейишсин. Бўлмаса...

Устознинг маслаҳатларини тўғри қабул қилиб, ёзишни буткул ташлаб юбордим. Чунки қалнада ёзувчиликка даъво йўқ эди. Орадан деярли йигирма йилча вақт ўтди. Устоз Тоҳир Малики тушимда кўрдим: "Ёсангиз-чи", деди. Уйғониб кетдим. Анча кунгача шу туш хаёлим билан юрдим ва ахири қўлимга қалам олдим. Дастлабки хотирани ёзиб, Тоҳир аканинг олдида бордим. Бўлган воқеани айтиб бердим.

— Шунчи бир ўқиб кўринг. Ёзувчиликка даъвоим йўқ. Маъқул бўлса, айтарсиз.

У киши ёзганимни дарров ўқиб чиқиб: — Бўлади, — дедилар жиддийликка олиб. — Энди бу ёққа ўтиринг, — деб қаршисига ўтказди.

— Ўйлаб кўринг, қиз кимнинг авлодиси? Ҳабибулла акадан соған ёзувларни бир кўздан кечиринг. Неъмат ака таъкидлаганларидек, яхши ёзишга ҳаракат қилинг.

Ана шундан сўнг ижодий фаолиятимни қайта бошладим.

Ёзадиган одамга бирорта бекорчиҳўжа устоз қўлидан ушлаб ўтириб яхши ёзишни ўргатиб қўяримиди? Ёзувчи ёзишни ёзиш жараёнида ўрганади. Яхши ёзишнинг бошқа йўли йўқ.

Биз устоз Шукр Холмирозев билан Дўрмонда ёзувчилар Ижод боғи меҳмонхонасида беш-олти йил бақамти яшадик: у киши иккинчи қаватда 21-хонада, мен эса учинчи қаватда 46-хонада. Олдиндан келишиб олгандик, биз фақат ошхонада дастурхон устида кўришамиз, бошқа пайтларда биз-биримизнинг хонамизга кириб бошимизни оғиртмаймиз. Келишув биз учун қонун бўлиб қолди.

1995 йили "Шарқ юлдузи" журналида "Гулзамира" деган қиссам эълон қилинди. Шукр ака қиссани ўқиб жуда хурсанд бўлди, роса мактади. Оқшом чоғи боғ айланми юрганнимизда:



армонлари, ҳаётий меъзонлари ва умуман Қодирий хонадонига тегишли сир-асрор қалб кўзусида ўз аксини топган. Фақат Шерконнинг битта гапи изоҳга муҳтож туюлди. Муаллиф: "Раҳматли дадаимиз Ҳабибулло Қодирийнинг "халқ душманининг ўғли" деган тўхмат билан қамашган эди", деб ёзади. Бу гап "тўхмат" эмас-ку! Ростдан ҳам Абдулла Қодирий 1937-38 йилларда расман "халқ душмани" деб эълон қилинган эди. Ҳабибулло Қодирий эса халқ душмани "халқ душманининг ўғли" эди. Қаттол давлатнинг қаттол сиёсати босими остида қанча-қанча суяғи қотмаган, пахлавон фарзандлар "халқ душмани" деб ёмонотлик қилинган оталаридан баъзан матбуотда ёзма равишда, баъзан улкан издиҳомда оғзаки равишда воз кечиб юборган. Отаўғил Ҳабибулло Қодирий эса "халқ душмани" тамғаси босилган отасидан воз кечишни ҳаёлига ҳам келтирмайди, бошини баланд кўтариб қамалиб кетади.

Шерконнинг "Дўлвор йигит" китоби ҳам аввал чоп этилган "37-хонадон", "Ўтганлар ёди" китоблари каби китобхонни уйлашга ўргатади, мустақил фикрлашга даъват этади. Шеркон яна қандай 500 саҳифали салмоқли умр китобини яратишга етарли бол тўплаб олибди.

Бу ёғи энди ўзингизга боғлиқ, Шеркон! Қўлингиз дард кўрмасин!



КИДИРУВ:

“ЗУЛФИЯЧИ”ЛАР, ҚАЕРДАСИЗ?!

1-6 Илми, билими ҳаминқадар, ёстиқдай китоблар у ёқда турсин, кундалик газеталарни ва рақлашга ҳам сабри етмайдиган, бадиий асарларга вақт топиб, кўз югуртиришга-да юраги дов бермайдиган бу сўзамол, гапдон ёшларни кўриб, ачинасан киши. Мукофотга ҳалитдан бунчалик муқасидан кетганини кўриб, совринга ўчлиги ҳатто раҳимин келади. Ишониб айта оламани, бу “иқтидорли” ёшлар ўз соҳасини чуқурроқ ўрганиб, етук мутахассис бўлиш учун эмас, давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан ўтказилган турли тадбирларнинг ташкили ишларига кўмаклашиш билан банд бўлади. Таълим олаётган даргоҳидагиларга ҳам шуни маъқул. Ҳеч ким тўғри йўл кўрсатмайди. Қарабиски, бора-бора уларнинг яшайдан мақсади сертификат, ташаккурнома ёки турли хил “фахрий ёрлик”ларни қўлга киритиш бўлиб қолади...

Афсуски, биргина Зулфия номидаги давлат мукофоти мисолида оладиган бўлсак, унга сазовор бўлишни бош мақсад қилган қизлар тоғаси тобора кенгайиб бормоқда. Ачинарлики, уларнинг айримлари борки, номдорроқ ижодкорларга “шеър” ёздириб, эвазига яхшигина маблағ тақлиф қилишдан ҳам тоймайдилар. Ҳар ҳолда, бундай ҳолатларга кўп гувоҳ бўлганмиз.

Эътибор қилсангиз, ҳар йили “зулфиячилар” номи эълон қилинган, ижтимоий тармоқ саҳифалари эътирозлар, мукофот ололмаган номзодларнинг иттиҳоди ва дийдиёларига тўлади. Албатта, “Зулфиячи”лар орасида юқори давлат ташкилотларида ишлайдиган, фан номзоди, фан доктори, депутат, олима ёки ўқитувчи сифатида фаолият юритиб, жамиятга нафи тегаётган, рўзғори ва ишини ўз ўрнида олиб бораётганлар ҳам йўқ эмас. Масалан, биргина адабиёт соҳасини оладиган бўлсак, Меҳриноз Аббосова, Дилнавоз Қўлдошева, Эъзола Обиджоннова, Мадина Норчаева, Нозима Ҳабибуллаева, Рухсора Тўлабоева ва яна тўрт-беш нафар иқтидорли, ижодда ҳам, жамиятда ҳам фаол совриндорларни айтишимиз мумкин. Лекин...

Сенат раиси Танзила Норбоева таъбири билан айтганда, “Зулфия” ва бошқа турли мукофотларни қўлга киритган хотин-қизлар тақдирланган “йўқ бўлиб қолишди”. Давлат мукофотини олишда талабгорлар кўпайиб кетади. Ҳаммаси “қилган ишларим” дея қатор ҳужжатларини кўтариб келади. Жорий йилда ҳам юртимизда 121 нафар хотин-қизларга турли даражадаги мукофотлар берилди. Қани ўшалар? “Зулфия”ни ҳар йили бир вилоятдан 2 нафар номзод олади. Бугун улар қаерда? “Зулфиячи” қизлар, мукофотни олади, “йўқ бўлади”, олади, “йўқ бўлади”. Мукофотга тавсия қилинаётганда ойлик олмасдан ҳам, жамоатчилик асосида у ишни қилдим, бу ишни қилдим, деб ёзиб бериладиган-ку тавсияномасида. Қани уларнинг кейинги фаолияти?..

Зулфия номидаги давлат мукофоти ва шу каби қатор мукофотлар чинакам иқтидорларни, илм-маърифатли ёшларни саралаб, ҳақиқатан муносиблар тақдирланганида эди, бугун совриндорлар қани, дея хуноб бўлмасдик.

Ҳали бирор каромат кўрсатмасдан мукофот даъво қилувчи, бу йўлда қимматли вақтини беҳуда совурадиган ёшлар сафи ҳам анча камайарди чамамда.

Узоққа бормаёлик, яқинда АҚШдаги Колумбия университетининг илк ўзбек профессори, 32 ёшида тарих ва диншунослик йўналишида фан доктори даражасига эришган, нақ саккиз тилда эркин мулоқот қила оладиган ватандошимиз Азиза Шоназарова Президент фармони билан “Дўстлик” орденига муносиб кўрилди. Ваҳоланки, бу қиз шу кунгача бирор нуфузли давлат мукофотига ҳаракат қилмаган ёхуд “қўли калта”лиги учун мукофотга эриша олмаган бўлса, не ажаб. Ҳаракат қилган, тинимсиз ўқиб-изланган ва меҳнатлари вақти-соати келиб ўз мевасини бериб турибди.

Еш ва иқтидорли Муштарий Шарифованинг дунёга машҳур “Tesla” компаниясига ишга олингани ҳам кўнчли хабарлардан бири бўлди. Маълум бўлишича, Муштарий Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ўқишга кира олган. 21-22 ёшларида Германиядаги университетда (Берлиндаги University of applied sciences in Europe) ўқишни бошлаган ва уни 2019 йили тугатган. Ўқиб давомиди йирик компанияларда, хусусан, “Adidas”, “Zalando”, “SAP” компанияларида амалиёт ўтаган. “American Publishing Company” компаниясида 2020 йил февралдан 2021 йил январьгача ишлаган. У ҳозирда Tesla компаниясига фаолият юритаётган биринчи ўзбекистонлик қиз ҳисобланади. “Бир ой давомида ҳар ҳафтада 1 ёки 2 марта мен билан суҳбат ўтказишди, турли хил саволлар беришди ва охирида менга мўддатсиз иш тақлиф қилишди, яъни мен бу компанияда ўзим истаганча ишлаш ҳуқуқига эга бўлдим. Ушар кун мен учун жуда бахтли кун бўлди”, — дейди Муштарий Шарифова инстаграмдаги саҳифасида.

Уйлаб қолсан, киши. Демак, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ўқишга кириш жаҳонда рейтингли баланд, етакчи ўринларда турадиган университетларга ўқишга киришдан ҳам қийин экан-да? Бу хабарни ўқидиму, Ўзбекистон яна бир етук мутахассисдан, юртинг қорига ярайдиган, Ватанга нафи тегадиган ёш кадрдан айрилганидан афсусландим. Зеро, Муштарий бу номдор компанияда шунчаки оддий ходим эмас, балки ҳисоб-китоб(бухгалтерия) бўлимида катта-катта рақамлар билан ишлайдиган асосий ходимлардан...

“Asaxi.uz” интернет дукони асосчиси Феруз Аллаевнинг интернет тармоғида ёзишича, Хитойнинг 2020 йилда илм-фанга (Research and development) ажратган маблағи 328 миллиард долларни ташкил этибди. Қизиқарли томони, мамлакат хавфсизликка (армия ва полиция) бундан анча кам, 178 миллиард доллар сарфлаган.

Жанубий Корея бўлса 48 миллиард доллар пулни илм-фанга сарфлаган, бу мамлакат ялиги ички маҳсулотининг (ЯИМ) 4 фоизини ташкил этади. Бугун Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари илм-фанга қилаётган харажатлари бўйича ҳатто Ғарбдан ҳам

ўтиб кетди. Бу яқин келажақда асосий инновациялар Осиё ҳиссасига тўри келишини билдиради.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистоннинг, ҳа, она юртимизнинг илм-фан ва маданиятга ажратадиган йиллик бюджети ҳам бугун энг тараққий этаётган мамлакатлардагидан кам эмас. Аммо қанийди, бу маблағлар тўғри ва инсоф билан йўналтирилса, таълим соҳасидаги коррупцияга барҳам берилса, фарзандларимизни ёшлигидан мукофот учун, эвазига нимадир қўтиб эмас, балки чин юракдан маънафат қилишга ўргатсак, бу юртдан ҳали кўплаб Азизаю Муштарийлар етишиб чиқишига асло шубҳа йўқдир.

Бир одамни билардим, дейди устозлардан бири. — Доим пойтахтдаги ўнлаб идораю ташкилотларда қизини етаклаб юрарди. Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси, ўнлаб газета-журнал тахририятлари, нашриётлар, Олий мажлис, Хотин-қизлар ташкилотлари, турли вазирликлар... Очиғи, бари-барисиди кимлар ишлайди, раҳбарлари ким, асли қайси вилоятдан, тумандан, уларга яқин бўлган инсонлар кимлар — ҳаммасини деярли “ёдлаб” олган эди. Мақсад — қизи “Зулфия” мукофотини олиши керак. Иложи йўқ нарсанинг ўзи йўқ экан-да, ниятига эришди: қизи қайсидир йили “Зулфия” мукофоти соҳибаси бўлди. Шу билан ҳаммаси тугади. Бир йилда қаторлаштириб чоп қилинган “шеърли китоб”лар “вазифаси”ни бажарди. У китобларни ҳам кимлардир тайёрлагандир, чоп қилгандир, Худо билади. Чунки шундан кейин бирор жойда “зулфиячи” қизнинг бирор сатр ижоди чоп қилинган эмас.

Гап шундаки, бир нарсаси дейиш қийин. Айттайлик, ҳақиқий ижодкор бўлмаган фарзандига шу ота яхшилик қилдим? Эҳтимол, унинг иқтидори шеърятда эмас, тиббиёт ё тўқувчиликда бўлгандир? Шу мукофот сабаб қизи эртага ким бўлади? Бундай мисоллар кам эмас. Эҳтимол, “Зулфия” номидаги давлат мукофоти соҳибларига Олий ўқув юртларига ўқишга кириш имтиёзини бекор қилиш керакдир? Шунда ҳамма ўзини шу мукофотга урмас эди балки? Йўқса сўнги йигирма беш йил давомида қанча “Зулфиячи”лар аниқланди?

Лекин улар ичиди қани битта Зулфия, қани биргина Халима Худойбердиева?

Эҳтимол ана шундай мукофоту турли танлов совриндорларини аниқлашда шошилмаган маъқулмикан? Чунки ёшларни қўллаб-қувватлаш, иқтидорларнинг ўзини намоеън этишига имкон, вақт ҳам керак. Қачонки, эндигина университетнинг биринчи курс талабаси, ҳатто коллеж ё мактаб ўқувчиси бўлган бу ёшлар, аввало, ўқишини битирсин, ҳаётда яна беш-ун йил ўзлигини, юксак мукофотларга лойиқ эканлигини мукофотсиз кўрсата билсин, кейин тақдирланса ҳам бўладику!

Ҳозир эса... бу “от ўйин”ларда нималар бўлмапти дейсиз?!

Хуллас, айтмоқчи бўлганимиз шуки, юртимизда чиндан ҳам иқтидорли ёшлар кам эмас. Гап уларнинг энг муносибларини танлай билиш эҳлоқидир.

Нима ҳам дердик, фақат муносибларга мукофотлар муборак бўлсин!

Абдулазиз АХМЕДОВ.

ХОРИЖ

ЭРОНДА ПРЕЗИДЕНТЛИККА ЕТТИ НОМЗОД

Эрон президентлигига номзодларнинг етти нафари теледебатларнинг учинчи ва сўнги босқичида учрашиб, бутун мамлакатни экран олдига чиқарди. Улар 18 июнь кунги сайловларга Конституция Ҳимоячилари Кенгаши томонидан сайловга номзод сифатида қабул қилинди. Сайловда қаттиққўл номзод галаба қозонса, мамлакат тақдирини нима бўлади? Номзодлар ушбу саволлар билан бир-бирларига мурожаат қилишди.

Айни пайтда ультра-консерватив номзод Ибраҳим Раиси 2015 йилдаги ядровий келишувга содиқ қолган ҳолда санкцияларга жавоб беришга ваъда берди. 2015 йилги келишув Американинг Трамп маъмурияти даврида бузилган. Шу билан бирга, АҚШ Эронга қарши санкцияларни қучайтирди. Пандемия иқтисодий инқирозга янада кучли тус берди.



Бу йилги президентлик сайловлари 1979 йилги Исломи инқилобидан буён энг нооммабон сайловни ваъда қилмоқда. Яқинда ўтказилган сўровнома шуни кўрсатдики, сайловчиларнинг атиги 36 фоизи 18 июнь кунги овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланишни режалаштирмоқда. Санкциялар босими остида бир неча йил халқро изоляцияда яшаган эронликлар янги президентнинг шахсидан ҳам кўра нархлар ва ишсизликдан ташвишга тушаётганга ўхшайди.

КЕЧИКТИРИЛГАН “ОЗОДЛИК КУНИ”

Буюк Британияда коронавирус чекловларини бекор қилиш кечиктирилди. Энди бекор қилиш 21 июнь ўрнига, 19 июлга режалаштирилган.

Буюк Британия Бош вазири Борис Жонсон “Бир ҳафта ичиди инфекциялар сони 64 фоизга ўсди. Энг кўп зарар кўрган минтақаларда бу ҳафтада икки баравар кўпаймоқда. Уртача Англияда касалхонага ётқириш сони ҳафтасига 50 фоизга, шимол-ғарбий қисмида эса 61 фоизга ўсмоқда. Ва бу тенденция давом этади, чунки биз шафқатсиз мантининг экспонент ўсишини биламиз”, — деди у ўз нутқида.



Лондонда “Дельта” тарқалишидан хавотирлар бир неча кун олдин билдирилади бошланди. Шу билан бирга, карантинни бекор қилишни кейинга қолдириш мумкинлиги ҳақида тақлифлар мавжуд эди. Инглизлар 21 июнга — Озодлик куни деб ном қўйишди.

Юзлаб намоийшчилар Даунинг-стритга, бош вазир қароргоҳига Жонсон нутқидан олдин ҳам келишган эди. Улар ҳукумат қароридан рози эмаслар. Натижада, чекловлар қайта-қайта узайтирилишдан кўрқинишди.

ҲАЛОКАТЛИ ХАТО

Немис журналисти Гитлернинг тарихий адашуви ҳақида ёзди

Фашистлар Германиясининг собиқ Иттифоқ билан урушда маглуб бўлишига олиб келган асосий хато ҳақида немис журналисти Йоханн Альтхаус “Die Welt” газетасида айтиб ўтди.

Унинг фикрича, Учтинчи рейх раҳбарияти Вермахтнинг Европадаги тезкор галабаларини нотўғри қабул қилган. Польша, Норвегия, Франция ва Югославиянинг қўлга олиниши Германияни Совет Иттифоқини ҳам осонгина енгиш мумкинлиги ҳақидаги хато тахминини шакллантирган.



1941 йил февралда яратилган “Ғарбдаги галаба” фильмига ўхшаш намуналар халқ орасида машҳур бўлиб кетган ва уларни чалғитган. Натижада рейх армияси энгилмаслиги ҳақида афсоналар пайдо бўлган.

Тарихий далилларга кўра, Гитлер бошчилигида тузилган “Барбаросса” режасида собиқ Иттифоқ икки ойда янчиб ташланиши, унинг худудлари Германиянинг кўйгирчоқ рейхкомиссариятлари тузилиши керак эди. Жумладан, Марказий Осиёда Туркистон рейхкомиссарияти тузилиши керак бўлган.

ПУТИН ВА БАЙДЕН МУЗОКАРАЛАРИ МУАММОЛИ КЕЧАДИМИ?

Россия ва АҚШ президентлари Владимир Путин ва Жо Байден учрашувида Украина, Беларусия ва Навалний мавзуси муҳокама қилиниши кўзда тутилган, деб хабар беради РИА Новости.

Унга кўра, давлат раҳбарлари стратегик барқарорлик, пандемия, кибержиноятчиликка қарши кураш, иқтисодиётдаги ҳамкорлик, иқлим ўзгариши мавзуси ва Арктика муаммоларини муҳокама қиладилар.



Шунингдек, Украина, Сурия, Ливия, Афғонистон ва Тоғли Қорабоғдаги можаролар ҳам кун тартибига киритилган. Путин ва Байден россияликларнинг учинчи мамлакатларда ҳибсга олиниши, дипломатик ваколатхоналар фаолияти, Россия ва АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг умумий масалаларини муҳокама қиладилар. Таъкидланишича, икки президентнинг қарори қабул қилинган тақдирда, мамлакатлар элчилари Москва ва Вашингтонга қайтишлари мумкин.

Президент ёрдамчиси таъкидлашича, мавзуларни мувофиқлаштиришда алоҳида муаммолар бўлмаган. Байден ва Путин эртага — 16 июнь кунги Швейцариянинг Женева шаҳридаги Вилла Ла Грандега учрашадилар. Байден президентлик келгандан бери илк бора Россия президенти билан юзма-юз учрашади. Путиннинг Женевага сафари Россия президентининг 2020 йил январь ойидан бери биринчи хорижий ташрифидир.

АФРИКАДА АБАДИЙ ОЧЛИК ТАЪҚИБИ ЁКИ СИЧҚОН ҒУШТИДАН ТАОМЛАР

Мозамбик аҳолиси иложи борича мазаги, тўтилши ва пиширлиши мумкин бўлган деярли ҳамма нарсани: кўнғизлар, термитлар, илонлар, тинсҳоқларни истеъмол қилишди.

Мозамбикликларнинг бундай ғайриоддий ошхона афзалликлари ушбу Африка мамлакатини кўп йиллар давомида аҳоли даромадлари бўйича дунё рейтингига охириги ўринларни эгаллаб тургани билан изоҳланади. Агар сохилбўйи минтақалари аҳолиси балиқ ови ҳисобига омон қолса, саваннада яшовчилар озиқ-овқат муаммосини бошқа йўللار билан ҳал қилишлари керак бўлади.



Айни пайтда бу ерда дала сичқонлари ва каламушларини овлаш оммалашмоқда. Овчилар йиртиқчининг бир қисмини ўзлари истеъмол қиладилар ва унинг қолган бир қисмини йўللарида пиширтилган ҳолда сотадилар.

Интернет тармоғи хабарлари асосида Гўзал МАТЁҚУБОВА тайёрлади.



ЎЗБЕК ФУТБОЛИ ҚАЧОН ДОВРУҚ ҚОЗОНАДИ?

Ўзбек футболни учун тўқилган ачиққў кўз ёшлари экан ўша кўз ёшлар ҳам.

Айтмоқчиманки, бугун қаҳрамонга айланган Диего Марадона футбол тождори бўлгани учунгина халқ қаҳрамонига айланмади. У чин ватанларвар эди. Унга АҚШ ҳукумати барча солиқларсиз ва қўшимча харажатларсиз тоза юз миллионлик шартнома тақлиф қилган. Марадона уни рад этган. Нега деганда шартномада шартномани имзоловчи шахс АҚШ фуқаролигини қабул қилиши ва олдин яшаган мамлакат қонунларидан воз кечиби, АҚШ қонунларига ва фуқаролик мажбуриятларига амал қилиши шарт, деган жумлалар бор эди. У пул, бойлик ва афсонавий диёрда маза қилиб яшайдан воз кечди. Ватанига содиқ қолди. У Аргентина футболини яна бир бор дунёга танитди. Чемпион қилди. Сийсий урушда ютқазилган мамлакатдан аламини олди. Ватан орини олди. Мамлакатини футбол диёрига, оддий тўпни ва ватанин севувчилар юртига айлантдириди. Биз ҳам оддий футбол тўпни ва Ватан орини пулдан-да, машаққатдан-да юқори кўяр эканмиз, Ўзбекистондан ҳам Марадонадай футболчилар албатта чиқади ва юртимиз футбол мамлакатига айланади.



жамоасининг энг яхши ўйинчилари ва мураббийлари шу колхоздан чиққан.

Сўнги масала футболда таниш билишчилик ва коррупция. Тажрибамдан айтман. Мактабда ўқиб юрганнимизда ўсмирлар ўртасида республика чемпионати бўлган. Бир мавсум уйнаб вилоят босқичига борганимизда бизга рақиб команда финалга чиқиши керак экан. Уларнинг жамоасида туртта профессионал ўйинчи ўйнади. Кошки танимаски. Ёши катта, мактаб кўрган. Хуллас, дабдаламасан чиқаришган. Эътирозларимизни ҳеч ким эшитмаган. Аламинимиздан ийлаганмиз. Энди уйласам, барбод қилинган

жамоаси собиқ Иттифоқ даврида ўз ўрнига эга кучли жамоа эди. Фожиали ҳалокат туфайли ундан айрилдик. Шунга ҳам 42 йил бўлди. Лекин “Пахтакор” сира ўнганмади. Ўзбек футболини кўтаришни қишлоқлардан бошлаш керак. Қишлоқлардаги энг “беозори” ва “чанани” футбол “жинилари”ни тарбиялашдан бошлаш керак. Бугун ҳам кеч эмас. Шундагина доврўгли ўзбек футболига эга бўламиз.

Муҳиддин АБДУРАХМОНОВ, журналист.

1-6

Президентимиз санъатни ривожлантириш учун яхши тақлиф билан чиққан эдилар: ҳар бир артист биттадан мусиқа мактабига бириктирилсин деб. Нима бизда футболчи камми ёки у артистдан кам пул топадимиз? Артиста ҳам футболчи ҳам керагидан-да ортқ шароит ва имтиёзлар бериб қўйилган. Санъаткор санъатнинг, футболчи футболнинг оммавийлигини таъминлашга ҳисса қўша, бўлмайдики?

Шўрчи туманининг олдинги Охунбобоев номли колхоздаги Ломоносов номли мактабда катта футбол майдони бўларди. Кўп йиллар давомида мана шу майдон туманининг катта мусобақалари ўтказилган бош майдони бўлиб қолди. Нимага деганда мана шу майдон атрофдаги қишлоқларнинг аҳолисини оҳанрабодек ўзига тортарди. Қишлоқ аҳолиси тўй қилса, битта кўй билан ичимлигини ажратиб футбол беради. Қарабиски тўй мавсумида ҳар кунги футбол бўларди. Шу туфайли вилоятнинг “Сурхон”

ЎД ЭТИБ

ШОИРНИНГ ҚУРУВЧИ УСТОЗИ

Муболағасиз айтиш керакки, бизнинг авлод Абдулла Орипов шеърларини ўқиб, ёд олиб улғайди. Қишлоғимиздан сал нарироқда – Неқўзда туғилган бу инсон талабалик йилларида ноқ халқ орасида гўзал, ўзига хос шеърлари билан танилиб бўлганди. Шоир ҳақида гап кетганда, айниқса, ёши улуглар: “Ҳа, Ўзбекистоннинг зўр шоири-да, шеър деганни Абдулладай ёзсанг... э, отасига раҳмат!”, – деб фахрланиб қўйишарди. Ҳақиқатан ҳам, Абдулла ака ўша пайтлари шеърдан шеърга ўсиб бораётган, номдор адаблару таниқли адабиётшунослар назарига тушган келажаги ёруғ шоир эди. Зеро, у инсон ҳақида қанча гапирсанг, қанча ёзсанг арзийди.

Кўпчиликка маълум, 1965–1970-йиллар оралиғида Абдулла Ориповнинг шеърини тўпламлари кетма-кет чоп этилиб, самимий ва мулоҳазага ундовчи сатрлари халқ орасида анча-мунча машҳур бўлди. Ҳеч муболағаси йўқ, Абдулла Ориповнинг мухлислари кўпайгандан кўпаяверди. Бу халқона, оддий, гўзал шеърларнинг муаллифи билан учрашиб, суҳбат қилишни истаганларнинг саноғи кун сайин кўпайиб борди.

Кечагидек эсимда... 1975 йилнинг охири эди. Ушанда ижодкор акамиз Нормурод Нарзуллаев қизини турмушга бераётган эди. Тўйда Абдулла Орипов билан учрашиб қолдик. Тўйхона фойесидида таниш-билишлар билан суҳбатлашиб турсак, ичкаридан Абдулла ака чиқиб келди. Биз билан кўришди, ҳол-аҳвол сўрашди, даврадагиларнинг кўпчилигини яхши танигани боис, суҳбат қизгин тус олди.

Бир зумда Абдулла аканинг атрофида шеърят мухлислари тўпланишди. Суҳбат орасида даврадагилар бераётган саволларга билимдон, зукко шоир ажойиб жавоблар бериб, ҳаммани қойил қолдирарди. Мен ҳам ёшлигимдан шоирнинг шеърларини ёд олган, бу инсонга ҳурматим баян эди. Пайтдан фойдаланиб, Абдулла акадан: “Устозингиз ким, қайси шоирни устоз деб биласиз?” – дея сўрадим. Абдулла ака бироз сукут сақлади, чамамда кўнглидан нималарнидир ўтказди, кейин вазминлик билан гап бошлади:

— Ука, менга кўпчилик бу савол билан юзланган. Сизга айтсам, устозим бошқаларнинг устозига ўхшамайди, у киши шоир ҳам эмас...

Даврадагилар бирдан хушёр тортиди. Ҳамма бу номдор шоирнинг устози ким экан, дея Абдулла аканинг озини пойлайди.

— Ушанда ўқишнинг биринчи курсини тугатиб, таътил бошланиши билан қадрдон қишлоғим – Неқўзга келдим, – деб гапини давом эттирди Абдулла ака. — Ота-онам, ака-укалар билан дийдорлашдим, улардан ҳол-аҳвол сўрадим. Орадан бир муддат вақт ўтгач, отам:



— Уйимизга меҳмон келган, кўришиб чиқ, – дедилар. Меҳмонхонага кирсам, отамнинг эски қадрдони Файбулла ака чой ичиб ўтирган экан. Файбулла бобони анчадан бери билардим, у киши отам билан ёшлиқдан дўст тутинган ва азадан бир-бирлари билан борди-келди қилишарди.

— Абдуллажон, – дея гап бошлади Фай-

булла бобо, ҳол-аҳвол сўрашиб бўлганимиздан кейин. — Болалардан эшитиб қолдим, шеър ёзаришсан, шеърларингиз газеталарда ҳам чиқиб тураркан. Кўп яхши-да! Тошкентдан янги шеърларингиз олиб келгандирсан? Қани ўша шеърларингиздан бир эшитайлик — деди фахр билан. Отам ҳам суҳбатга қўшилди:

— Қани ўғлим, янги-янгиларидан ўқи. Файбулла бобонинг гапи ерда қолмасин-а.

Мен бу икки оқсоқолнинг гапларидан завқланиб кетдим ва шеър ўқишни бошладим. Шеър Москва, Кремль ҳақида эди. Файбулла бобо шеърни диққат билан тинглади ва қалин болишга суяниб, қаддини бироз кўтарди.

— Яхши, яхши... яша ўғлим! – деб, сукутга чўмди. Бироздан сўнг гапида давом этди:

— Абдуллажон, болам, шеъринг яхши, раво ёзилди, – деди Файбулла ака соқолини силаган кўйи. — Ҳа, аммо болам, Москвада бўлганимизан ўзи? Кремлни ҳеч кўрганмисан?

— Йўқ, мен ҳали Москвада бўлмаганман, Кремлни ҳам кўрмаганман. Файбулла бобо жавобимни эшитгач, бироз тин олиб, гап бошлади:

— Абдуллажон, болам, сенга насиҳатим шуки, бундан кейин шеър ёзганингизда, албатта, кўрган-кечирганларингиз ёз. Шунда шеърларингиз ишончли чиқади.

— Шунча гаплар, – деб гапини давом эттирди Абдулла Орипов. — Файбулла ака бор-йўғи, қурувчи бўлган. Қурувчи бўлса ҳам, қандай теран фикрлайдиган одам эди. Файбулла аканинг неча йиллар олдин берган насиҳатлари ҳали-ҳали ёдимдан чиқмайди. Ҳа, менинг биринчи устозим ана шу инсон эди. Унинг жўяли маслаҳатлари менга бир умр сабоқ бўлди...

Бу йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан атоқли, ардоқли шоир Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллиғи мамлакатимизда кенг нишонланмоқда. Абдулла ака ҳаёт бўлганида, давраларнинг тўрида, шоирларнинг эъзозига юрган бўларди. Афсуски, бу инсон бугун ораимизда йўқ. Аммо унинг бетакрор, сермазмун, фалсафий, халқимиз қалбидан аллақачон чўқур жой олиб улгурган шеърлари, у яратган мустақил Ўзбекистон Республикасининг мадҳияси ҳаммаша барҳаётдир. Ҳа, шубҳасиз Ўзбекистонимизнинг бемисл, ўз овозига эга, бетакрор шоири, ажойиб инсон Абдулла Орипов ораимизда жисман бўлмас-да, маънан барҳаёт, дилларимизда, тилларимизда, қалбларимизда, шеърларимизда яшайверади.

Абдурашид МАҲМАТОВ,
тиббиёт фанлари номзоди.

ҚИЁФА

Ораимизда фазилатли инсонлар талайгина. Таниган-танимаганимиз, билган-билмаганимиз қанча. Фазилат соҳибларининг ҳаёт йўллари кўпчиликка ибрат бўла олади. Мақоламиз қаҳрамони ҳам худди шундай одамлардан: Жиззахнинг Фориш тумани Куйбулоқ қишлоғида Наврўзбой ота ва Ҳамро она хонадонидида туғилиб вояга етган олим, кўли энгил шифокор — онкохирург Саримбек Наврўзоевдир.

ФАЗИЛАТЛИ ИНСОН

Саримбек ҳали мактабга чиқмасдан туриб акасидан ўқиш-ёзишни ўрганиб олганди. У мактабдаги устозларини мамнуният билан эслайди. Ёш ўқувчи “Профессор”, деб мурожаат қилиб, иззат қилган ўқитувчиларини хотирламай бўладими? Саримбек Наврўзоевнинг ёшлигидан устозларига меҳри баланд эди.

Каттагина шифохонага бош шифокор этиб тайинланганида, бир неча дўсту биродарлари уни табриқлаш учун иш жойига келишди. Лекин эшигига “Бош шифокор” деб ёзилган хонадан Саримбек Наврўзоевни топа олишмайди. Чунки олим шифокорлар хонасига ҳамкасблари даврасида ўтирган эди.

Дўстларини кўриб, чеҳраси ёришган Саримбек ака уларни бош шифокор хонасига эмас, яна бошқа хонага таклиф қилади. Меҳмонларнинг ҳайрон бўлганини сезган олим: “Бу жойга мендан аввал устозим раҳбарлик қилган, у киши оқ фотиҳа бериб, ўринларига мени тайинлаб кетган бўлсалар ҳам, бош шифокор хонасига кириб, жойига ўтира олмаяман. Устозга ҳурматсизлик қилаётгандек сезяман ўзимни”, дейди. Мана, устозга бўлган ҳурмат, эътибор!

“Нимага эришган бўлсам, китоб орқали эришдим. Отамнинг насиҳатини такрорлаб фарзандларимга, невараларимга: китобни севинг. У сизни нури йўлга раҳбар қилади, деб бот-бот айтавераман”, дейди у.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда колопроктология асосчиси, кўли энгил хирург Саримбек Наврўзоев бугун бодан ортиқ малакали мутахассисларнинг устози. Шифокор-олим ҳозирда пойтахтимизнинг Олмазор туманида жойлашган “Янги ҳаёт” хусусий клиникасининг раҳбари. Клиникага киришингиз билан икки томонда икки бўстга кўзингиз тушади. Бу бўстларни профессор Саримбек Наврўзоев устозлари хотирасига атаб қўйдирган.

— Бу ҳайкаллар устозларим академик Уктам Орипович Орипов ва тиббиёт фанлари доктори Виталий Димитрович Фёдоровларники. Камина шу устозларим ёрдамида профессор даражасига эришдим, — дейди фахр билан. Шунингдек, олим А.Отауллаев, А.Сирота, Х.Арипова, С.Файн каби фидойи устозларидан энг керакли, тўғри маслаҳатларни олганини, улардан ҳаммаша миннатдор эканини таъкидлайди.

Дарҳақиқат, Саримбек Наврўзоев устозларини



улуғлаб кам бўлмади, ўзи ҳам энг яхши устоз мақомига эришди. Тинимсиз меҳнатлари эвазига катта муваффақиятларни кўлга киритган инсон. Онколог-хирург сифатида кучли мутахассис ҳисобланган олим, айниқса, онкологларнинг билимдон ва жиддий, масъулиятли бўлишини истади. Чунки хасталиқлар ичиди онкологик хасталиқлар бугун ҳам ҳали тўлиқ ўрганилган деб бўлмайди.

С.Наврўзоев республикамизнинг бош онкологи, Республика онкологлари уюшмаси раиси сифатида “Рак толстой киши”, “Крон касаллиги” каби бир неча монографиялар ҳамда “Хирургия” дарслигини яратди. Ана шу китоблари орқали онкология соҳасидаги долзарб муаммоларни назарий ва амалий жиҳатдан батафсил ёритиб берди.

Саримбек Наврўзоевнинг энг катта фазилати устозларининг кадр-қимматини ҳаммаша баланд тутганидир. Унинг бу хислатидан ҳар киши ҳам ибрат олса олгулик. Форишлиқлар “Бу олим бизнинг Куйбулоқда туғилган”, дея мақтанишса арзийди. Ҳақли равишда, Саримбек ака юртимизнинг бир фидойи фарзанди сифатида фахрлишимизга лойиқ бўлган одамдир.

Маъсуда ЁҚУБОВА,
“Hurriyat” мухбири.

ЛУҚМА

Мияга тушган ВИРУС

Ёшлар орасида жуда урфга кирган “ТикТок” платформаси атрофида баҳс-мунозаралар кун сайин қизгин тус олмақда. Ҳақиқатан ҳам, сўнги пайтда тарқалаётган қисқа видеоларни кўриб, бу ижтимоий тармоқнинг фойдасидан кўра, одамларнинг айниқса, ёшларнинг онгига “вирус” ташитишдан бошқа нарсага ярамаётганига амин бўлаяпмиз.

Мана, яқиндагина интернетда тарқалиб, жамоатчилик орасида кенг муҳокама этилган бир видео эътиборимни тортиди. 9-13 ёш наманганлик болалар машҳур бўлиш, лайк йиғиш учун бир итти дарахтга осиб, тасвирга олишганини кўриб, зил кетдим. Нафратландим улардан!

Машҳурликка эришиш учун бир бечора жонзотни ваҳшийларча дарахтга осиб учун ким бўлиш керак, билмадим. Бу ёшлар кимнинг тарбиясини оляпти? Наҳотки фарзандларимиз эрмак учун қотилликдан ҳам қайтмаяпти?! Бугун итти осган бола эртага бундан-да оғир ваҳшийликка қўл урмаслигига ким кафолат беради?

Туғри, бу платформанинг фойдали томонлари ҳам йўқ эмас. Улар ҳақида ҳам гапириш мумкин. Лекин миллат эртаси бой берилаётган вазиятда ҳеч қандай фойдаю “ТикТок”нинг одамларга келтираётган нафти кўзга кўринмайди. Фарзандларимиз миясида сония сайин ин кураётган вирусларга қарши курашмас эканмиз, торт билан онасининг юзига урган, мухлислари кўпайса онасини ўлдиришга тайёр турган ёхуд лайк учун поезд тагига ўзини ташлашга тайёр турган бундай бетайин ёшларнинг чиқишларини томоша қилишга қачонгача маҳкумимиз?!

Хўш, нима қилмоқ керак? Ижтимоий тармоқлардаги захарли оқимдан болаларимизни қандай ҳимоя қиламиз? Менимча, фақат қаттиқ тарбия, назорат. Аввало, оилада, мактабда, маҳаллада. Айтинг, яна бошқа йўли борми?

Гулсара МЕЛНЕВА,
Қарши туманидаги 1-сон касб-хунар мактаби устаси.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

ҲОЗҲОНЛИК ЁШЛАР ҲУЗУРИДА

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ бошқаруви томонидан

Навоий вилояти Ҳозҳон шахрида ёшлар билан очик мулоқот ўтказилди.

Мамлакатимизда ёшлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик қўллаб-қувватлаш, касб-хунарга ўргатиш ва бандлигини таъминлаш ишларини самарали ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. 2021 йилнинг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилиниши ҳам ёшларга бўлган юксак эътибор намунаси.



Ҳозҳонлик ёшлар билан мулоқотда банк бошқаруви раиси ўринбосари Зафар Азимов ёшларни қўллаб-қувватлашда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан йўлга қўйилган “Ёшлар дафтари”нинг ўрни алоҳида эканлигини таъкидлади. Жорий йилнинг 11 март куни эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш буйича



қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида ушбу дафтарага киритилган ёшлар билан ишлашнинг амалий ва молиявий механизмлари янада такомиллаштирилди.

Очиқ ва конструктив тарзда ўтган учрашувда ёш йигит-қизларга тадбиркорларга яратилган имкониятлар, уларнинг ҳуқуқий асослари ҳамда банк ва бошқа тегишли таъшилотлар томонидан таклиф этилаётган хизматлар хусусида маълумот берилди.

— Бугунги самимий суҳбат давомида биз бизнес соҳасида билим ва кўникмаларимизни янада мустаҳкамладиқ, ўзимизни қизиқтирган саволларга жавоб олдиқ, — дейди умидли тадбиркор Ойша Рустамова. — Хусусан, ме-

нинг каштачилик маҳсулотларимни Туркия давлатига экспорт қилиш борасидаги масалага ечим топилиб, мутасаддилар томонидан йўл-йўриқ кўрсатилди.

Учрашувда ёшлар билдирган таклиф ва саволлардан келиб чиқиб “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Шунингдек, 20 га яқин мурожаатлар қабул қилиниб, ижроси банк мутасаддилари ҳамда шаҳар ҳокимлиги томонидан алоҳида назоратга олинди.

— Президентимизнинг 2021 йил 9 июндаги “Худудларнинг саноат чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган худудлар орасида Ҳозҳон шаҳри ҳам бор, — дейди “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Бошқаруви

раиси ўринбосари Зафар Азимов. — Бугунги учрашувда ҳам қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда худуд имкониятлари ҳақида маълумот беришга ҳаракат қилдик, янги бизнес гоялар билан танишдик.

Қайд этиш жоизки, бу каби учрашувларда билдирилган таклиф ва мурожаатлар банк бошқаруви томонидан умумлаштирилиб, яқиний лойиҳалар пакети шакллантирилади ва молиялаштиришга қаратилади.

Тадбир сўнгиди “Ёшлар дафтари”га киритилган бир гуруҳ йигит-қизларга банкнинг эсдалик совғалари топширилди.

Банк ахборот хизмати

Реклама ҳуқуқи асосида

ШЕЪРИЯТ

БУ ТУН УЗУН ЭМАС...



Нодира АФОКОВА

Қандай шаҳар ўзи бу гўзал шаҳар – Қора босавер руҳи-жонинми. Чўл товуши келар. Бўздай майсалар. Хотиралар чалар устихонимни. Мана, дастагуддай менинг дўстларим, Қандай хуқифармо, қандай бадастир! Бағришамқо бўларлар... ғамгин қарайдир Бир тубсиз айрилиқ, тубсиз кўзларим. Хоки туброқ бўлиб ётарлар, мана, Азиз-авлиёлар, гўдақдай пирлар. Худди бир нусрат бор, Бордай тантана — Гул узатиб турар қабрлар. Қордек булутлардан ёришган кеча. Гумбазлар булоқдай йилтирар. Кимдир келар... кимдир изма-из келар. Ер тўхтаган каби музлар кўзда ёшгача. Йирткич кўзларида юлдуз шуъласи. Эй чўл, денгиздай оқ чум барханисини, Дарвешларнинг уйғот, само бошласини. Яшир мени ёхулларга ашир мени. Дарвоқе, шамоллар... қайлардан келур? Бу гўзал шаҳарда бўлмаслар адо. Ҳайдалган қабрлар, жорубкаш валийлар Сўнг бора пуф деган бир ютум ҳаво Оё...

Менга айт. Кўзингга дўзахлар тўлди — Ўша ғамлар мени айласин адо. Ўзинга шафқат қил ўзинга, бўлди, Эй жони ғамзада, ёди ғамзудо, ...“О, бу табассумлар, табассумлар! — шўр. Узун кечаларда қибламиз вайрон. Тажриба ашёси, жонлиқми бу жон, Шуям муҳаббатми, қаро гўр де, гўр“... Ғулдира телбара... дунё чалкашин. Дарахтлар хўнгрисин ошқилар мисол, Ерга ботиб қолган қушлар улар эҳтипол. Тунни тўсиб турсин Ойнинг пардаси. Гўё ҳаёт эмас, кўргулик гўё, Анчик шаробдир у... ичсақ, йиғласақ, Оқиб кетар икки кўзимиз чак-чак... Шулар бари аро, ё Худо! — Ёмғирлар шивирлаб ўтулар бизга. Шафақ дарчамизга гул ташлаб кетар. Дарёлар кошгарий йир айтар. Зулматлар яшашни ўргатар. Кўёш умримизни парча-парчалаб Ҳар кун олиб кетар, абадга кетар. Қисматимиз синглисидай қаҳроқ гуллар Вулқонлар бўғизда очилиб ётар...

Бирдан Сени сокин ўйладим Бир кўзимда Ой-у,

Бирида Кўёш. Шамолга ва Тунга урилиб Силтанди, ёлворди қуриган бир шох. Узимдан сўрадим, ростми шу, наҳот? Зулмат чўкка тушган, туйдай чўккан. Нафаслар шол ўлмиш. Ҳаётда ҳаёт Йўқ каби... қойимдир фақат хотирот. Нимага арзийди сўнг бу сокинлик? Нимага арзийди жонимдаги ғам? Муҳит дарёсида синик биллурдек Умидлар юлдузи ётар, ложарам... Дедик, ҳақни ҳақ де, бизким, қора эл. Қисматимиз қўлдадайдиллою билло Қайрилиб боқмади бир тўда ўзича Худо, Юзи нурдан жудо бир тўда гадо. Улар қон ичганлар, шундан савдойи. Ой тўлса кўркувга тушарлар. Япроқлар шунчаки қон зардобига Бўялса кўркувга тушарлар. Куз, ахир, шунчаки куз келган бўлар. Мулоийм тартади сув, тупроқ ва қўқ. Пушти-пушти қушлар худди одамдек Ўчган шафақларга термулар. Келмайсан... қанчалар сокин айтаман! Қандай эришдилар ақлим етмайди? Эҳтипол, бир кунни қайтсанг ҳам Бу шундай айрилиқ — ўлса битмайди.

Ақраб ёмғирлари боғлар устида Мангудай, гумбулар... кўриб ётаман Ғаройиб дунёлар чегарасида — Кўзларимга ҳар кун, ахир, Кун ботган. У жулдур боғларда таслим ва ҳаёт. Кўёшлар эртанги тонг учун сўнар. Ҳар кун умр барбод... хотирга дўнар. Дахлсиз, навқирон фақат хотирот. Кел, умр чўкмоқда ул қора ўчоқ. Қара, кўзларимдан қандай боқар Ғам. Кетсам, бари кетар мен билан ул чоқ... Мен билан кетажак муҳаббатим ҳам.

Мен, мана, қайгудан ўлмаган аёл. Юрагим шувиллар Бамисли тўфонда қолган қоратоп... Балки йўл излайди ойдин бир хаёл. Булутлар бағрида уйғонаётиб Чақмоқлар тинглайди ёввош ва беҳол. Тилларанг туманлар паршонхоеб. Тоғлар силжиб борар жим қулоқ тутиб. Мени аччиқ қуноқларга ўраган япроқ, Эй япроқ! Хув у пайт сен улон чекиндим. У учун чекиндим... не дейин энди, Бизга қолганда бу дунё бесўроқ. Мен, ахир, ўлгану ўлмаган аёл. Мени танимаслар энди, ёмғирдарахтман. Еримга ётдайман, руҳимда бир ҳол. Халал берар дунё, гўё сезгиларим шол. Булутли кечалар ёмғирсиз, илик, Хира парда бўлиб ёйилар ҳаво. Барибир ёмғирпуш олиб чиқ, Дейману... ё Худо, у қайда, мен қайда аммо! У қайда, мен қайда... янчар бу калом. Илоҳи, шодликдан шодланмай кўйдим. Илоҳи, тўлин Ой қўлмиш бир жом. Илоҳи, руҳимда бир сўнг, бир тамом. Илоҳи, юлдуздай томчи кўёшим. Илоҳи, қўёшим томчи-томчи хун.

Илоҳи, бордир-ку бир тамом, бир сўнг. Илоҳи, мужда бер, тупроқда бошим...

Сизга бари аён, Менинг бор умрим Мотам айтимидай чолғусиз кўшиқ. Гўзал орзулардан ҳайдалган йўлим — Ул-да Сизга аён ҳар недан ортиқ. Сиз яхши биласиз, ложарам, Кўз ёшни кўрсатмоқ... йўқ-йўқ, бу ўлим. Балки бу кибрди... Йиқилган одам Иззати нафсига тасалли, балким. Йиқилдим, тупроқни танидим... Бир тун “Сигмазам...” — ўқирди йиғлаб кўхнаду. Ойнинг шуъласига узаган гулбун Илоҳий ҳарф бўлиб кўринди, эй дўст. “Ох, уни унутсам” — видолар учди, Мотам айтимидай чолғусиз кўшиқ. Жуңунлар кетмади. Ошгандан ошди. Умид йўқ... Эрта йўқ... Қолмиш фақат ишқ. Ишқким, тайрларни, қуртларни севдик. Булутлар қомида ўтларни севдик. Туннинг адоғинда нолани севдик. Сўбх аёгинда жолани севдик. Куз илди — ҳавода мезонни севдик. Ёмғирлар дориди хазонни севдик. Хазон исларида алвонни севдик. Алвонга кўмилган айвонни севдик... Сизга бари аён, Бошқаман энди. Инонмоқ истаги шафақдай ўчмиш. Табассумим тўлдирар бу маконни. Рухим, руҳим... тарк этмиш, кўчмиш... Жисимини танирлар, Келарлар бир кун Кўзларин тўлдириб ўлик нурларга. О, уни гулларга кўмарлар балким, Қабрни кўмгандай гулларга.

“Қалбим тўла муҳаббат ва ўч...” Шитирлайди қоп-қора чорбоғ. Хазон чекисиз. Хазонлар намхуш. Мен куйлайман ғамгин, хирқироқ. Бу кеч Ой рангида булутлар. Олчазорлар соясиз ва тунд Арвоҳ каби оҳлар, кўрқитар... Не замонким, нечундир-нечун Сургун руҳи кезар руҳимда. Гўё қадим аёлгу кезар. Хазонларга тўла бу тунда Ой рангида булутлар сузар. Ўйин каби туюлар дунё. Бари ўйин каби, бари пуч. Мен куйлайман ғамгин, хирқироқ, “Қалбим тўла муҳаббат ва ўч”.

Ташла ул китобни, кетдик, азизим. Қисмат китобини ул қора китоб Бизга тутқазмишлар... Бир томчи зардоб Бир томчи қора қон ўлмишдир кўзим. Шаррос уйғонди руҳ, бўлмас тўхтатиб. Бу уйғониш келар кўпдан ва зимдан. О, йўқ, кўрқма мендан.

Кўрқма динимдан. Диним муҳаббатдир, ёлғиз ўшадир. Табассум сўралар фақат, табассум, Шарт эмасдек ичдан тошиб келмоғи. Бас, энди кучимиз етмайди чоғи. Мушфиқ саробларга кетдик, азизим, Офок саҳросинда ёбонлари бор Саробдай қалқиган, ёлғон иммаган, Ёмғирлари ойнаб-ойлаб тинмаган, Кимсасиз кезмакка тунлари зангор. Мехрибон ерларга бориб етайлик. Тўйиб йиғлагани, дуо қилгани. Кўкдан келган ажал билан ўлгани. Туманлар бағрида гўлғулдай ётайлик. Ёлвориллар, исён... қутқармади, йўқ, Не Кунлар тутилди, Не Ойлар тўлди. Ўтирсанг дуо қил, турсанг дуо қил, Қисмат ҳам ўзгарар — ишонсан бўлди.

Кўнглимни кўтарма. Ётсин. Ер бўлсин. Алкимёгар бўлсин ниҳоят. Хурларнинг ичинда хур бўлсин. Йиғласин, йиғичи гул бўлсин. Сўздан тўйиб кетди-ку бадбахт Росту ёлгонлардан тўйди у, тўлди. Айрилди, айрилди, тинмай айрилди... Айрилмаган нима қолди, айт!?! Қўй-қўй, сўрамасин алардан шафқат, Ёвуз шодланурлар, кутганлари шу. Сўраса Тангридан сўрасин фақат, Ёлворса Тангрига ёлворсин, қўй-қўй. Керакмас ҳикматлар, ваъдалар, таскин... Ҳаёт истаюр у. Фақат гул ҳаёт. Орзулар рўёбин истар... Ва лекин Сўнган юлдузларнинг ёғдуси каби умид бор умид бор... кўрқинч хотирот...

Бу тун узун эмас, баҳайбат аммо. Недир шувуллайди изчил ва сокин. Шамоллар тараган дарахтзор Ва ё Ёмғирдир, билмайман билмайман... Балким Сунбула сойларин тирилган ёди. Ётибман... худдики олам беэга. Қалбим ғўссалардан бўшамас нега? Беэга кезар... у кимнинг фарёди? Чақмоқлар хонамга кирар бемалол. Сен-ку олисларда соғсан, омонсан. Мустабид хаёл бор бир қора хаёл... Нечун у? Қайдан у? Топмаси завол? О, бари беҳуда бари беҳуда... Туннинг хаёллари ўзидай қаро. Недир шувуллайди... Ётибман гўё Вақт тугаб, мангулик бошланган жойда.

АКБАРАГА МУНОЖОТ

Йиғлама. Йиғласанг кетмоғим керак. Юпанч сўз ахтариб Кошгарий томон.

Муаллиф ҳақида: Нодира АФОКОВА — 1966 йилда Бухорода туғилган. Бухоро давлат университетида таҳсил олган. Филология фанлари доктори. “Баҳорнинг бошланishi”, “Аросат фасли”, “Кўнгул шеваси”, “Сўз айвони”, “Қора наво”, “Ватан дарслари” каби тўп-ламлари нашр этилган. “Фитратнинг тушлари”, “Жазо” достони; “Муҳаммад (с.а.в) дедилар...”, “Хайём чодиринда”, “Муҳаббатнома”, “Фақат Сен билурсан”, “Ҳазрат Навоийнинг етти гўзали” шеър-ий туркумлари муаллифи. Алишер Навоийнинг “Рух ул-қудс” қасидасини форсийдан; Леонид Андреевнинг “Яхудо Искариот” кссаси, Ги де Мопассан, Константин Паустовский ҳикоялари ҳамда Михаил Пермонтов, Марина Цветаева шеърларини рус тилидан ўзбек тилига ўзгартган.

Ҳатто тўққиз аср дайдиб, тентираб Битта тасалли сўз топмоғим гумон. Биламан, ожиздир, гарибдир, Бенаво, нотавон, жайдади Сен чеккан ғам-ҳасрат олдида Дунёнинг жамийки дардлари. Биламан, одамлар эмасдир улар, Бўридир, ваҳшийдир, қўтир, жаллоддир. О, икром этмаклик оғир нақадар — Улар сенга эмас, менга авлоддир. Йиғлама, қовурғам остида сим-сим Бир қушча зардобга айланаётир. Йиғлама, Ақбарам, жоним, мунисим, Кўз ёшинг гирдобга айланаётир. Бу гирдоб нақадар, нақадар буюқ, Дунёни фарқ этар, фарқобар этар. Гурубда гурбатдан қовжираб, куйиб, Қўёшим ё сенинг юрагинг ботар? Йиғлама, мўъжиза рўй берар аниқ: Борлиққа оналик сенга тан топар, Энди офтоб эмас, ҳар субҳи содиқ Дунёни қон бўлган юрак уйғотар!

Дафъатан уйғонди шамоллар. Боғлар нафас олди дафъатан. Бир зумга ёришди хаёллар, Сўнг маънос тортдилар қайтадан. Учар гилам янглиг учар қушлар... гаройиб! — Сувлар тиниқмасдан-тинмасдан Олис нуқталарга айлиниб Аста Уфқ ёймасида бўлдилар ғойиб. Фасллар алмашди шом тушган маҳал. Шомгуллар ғўжмайиб тўкилди туйқус. Очик қолдирилган дераза оша Сўнг бор фалаклардан жилмайди Август. Келмайсан... О, ёзги сайиллараро Унутилмиш эди — уйғонди бу ғам. Фасллар рафтига боғлиқдай гўё Тахайюл, хотирот... хисларимиз ҳам. Наҳот, инономимг керақдир ҳануз — Ё Худо, уйғонди бу қадим хулё! Қонсиз бир чехрадир... Ойми у? Ҳаргиз Ҳар тун исён айби ила осарлар гўё. Наҳот, инономимг керақдир ҳануз? Ерларга қорадир қора бу савол, Ерларга қорадир беаёв, шафқатсиз Ғариб умримизда мунаввар не бор. Бу оқмон ҳеч нима бўлмади содир. Қадим сунбулага қайтди қайтадан. Бир сокин. Бир мутъе... чулғар хавотир. Нотаниш маконда юргандай дафъатан.

ҲИКОЯ

МЕН ҲАҚДАГИ БИРИНЧИ ЛАТИФА



Бир неча кунлар аввал мен икки машҳур инсон ҳақида жуда хайратомуз латифа ўқиб қолдим ва кўркувга туша бошладим. Бу латифаларнинг биринчиси таниқли генерал Драгомиров ҳақида бўлиб, шундай мазмунда эди: “Ҳаммамизга маълумки, таниқли ва жонқуяр генерал Драгомиров ўзининг топқирлиги, донолиги билан бошқа генераллардан ажралиб турарди. Бир сафар бир одам ундан: — Агар эрта ё индин турклар чегарани кесиб ўтгани, ёйи қўшилгани Киев яқинида эканидан хабар топсангиз нима қилган бўлардингиз? — дея сўрайди. Драгомиров бироз сукунатта чўмганидан кейин бармоғида катта олмосқуз узугини чиқаради ва дўстига узатади: — Мана шу узукни оёгингизнинг бирор бармоғига тақин! — Ахир бунинг илоҳи йўқ-ку, ўртоқ генерал... — дейди нима қиларини билмай қолган ҳалиги одам. — Ана, кўрдингизми, туркларнинг Россияга ҳужум қилганлигининг сабаби ҳам худди шундай. Ҳар кимнинг ўзи уни бор, тўғрими? — дея жавоб қайтарди доно генерал. Бу жавоб турклар орасида уни ёқтирмас қатламнинг, дўшманларнинг ортшига сабаб бўлади. Унинг дўшманларини исма-исм санасак, кўзингиз чаногидан чиқиб кетса ажабмас”. Иккинчи латифа эса бундай мазмунда: “Марҳум шоир Минаев ўзининг аjoyиб шеър ўқиб қобилияти, истеъдоди ҳамда ўзига тўқ яшashi билан бошқа шоирлардан ажралиб турарди. — Мана унинг бизга саховат ила қилган ишларидан бири, — деди бир одам таниқли темир йўл қурувчиси М.нинг дафн маросимида, — у ноҳор оила-ларга ҳаммаша ёрдам берган, бугунги маъраканинг харажатларини ҳам шоир кўтарган”. Яна бир сафар эса ҳазилини яхши кўрадиган ва замон билан ҳамнафас яшайдиган Достоевскийнинг

кам эмасди. Бироқ оламдан ўтишганидан сўнг бошига қандай қисмат тушди. Ҳаммаси аён-ку сизларга, дўстларим. Шундан кейин бу сўзининг одам елкасига ортадиган масъулияти ҳақида англаб етдим. Келинг, мен ҳақимда нима истасангиз ёзинг. Истаган пайтингиз нашр қилинг, қаршилигим йўқ. Йўқ, ундан аввал, яхшиси, ҳамма одамдай овқатлангиз, сув ичинг, ухланг, йўлда сайр қилинг, кинидир итариб юборинг, турли можазоларга аралашинг. Сизнинг фикрингизча, йўлда кетаётганингизда шундай можазолардан бирига дуч келиб қолсангиз, албатта ҳал қила оласиз. Сизнингча, унда қатнашмоқ ва оқиз тарафни ҳимоя қилмоқ сизнинг вазифангиз. Сўнгра машҳурликка эришасиз. Энди-чи? Энди эса “таниқли” бир одам сифатида талафоти ишларни бир бажариб кўрингчи. Овқатланганганингизда ҳамма озингизга қарайди, катта тишлаб егингиз келадиган лекин тишоломайси, кичик бир тишлам сизнинг насибанигиз, чунки катта тишлаб есангиз хунук кўринади. Ҳаттоки суякларни буткул ютишга ҳам мажбур бўласиз ҳафталик овқатланмаган куча дайдисини каби, бўғилиб-бўғилиб бўлса-да бу ишни удалайсиз, ҳар доимдигдек тарелка четига суяк қолдиқларини тупуриб юборолмайсиз. Чунки ёнингизда сизни мароқ билан кузатаётганлар дарров гап-сўз қилади: “Анави таниқли палончиев палончи (маданиятсиз) экан, (оққуз) экан”. Эндиликда кўчадаги бирор урушга аралашолмайси. Аралашдингизми, тамом. Номингиз одамлар хотирга муҳрланади: жанжалкаш, урушвоз...” (Эҳти-пол, машҳур палончиев палончи уша пайт маст бўл-гандир... Мана сизга маданиятли одамнинг иши... Ахир таниқлиларнинг бирортаси урушмаган, Добро-любоб, Белинский ва Писаревлар жанжаллашмиш-ган”). Шунинг учун ҳам эҳтипол ҳозир аслида “кал-таклининг” керак бўлган одамлар бежазо қолмоқда, ҳаёт қонунилари бузилиб, орамизда ярама одамлар сафи уриб бормоқда. Қисматимнинг энг катта фожиаси, бу — асфала-софинга жўнаганимдан кейинги ақл-идроким, топқир-лигим ҳақидаги газеталар ёритадиган латифалардан бири, мана. Тасаввур қилинг, у тахминан шундай бўлади: “Таниқли (бошқаларда қўлланилган экан, демак мен ҳам қўшсам бўлади) ёзувчи Аркадий Аверченко ўзининг донолиги ва иқтидори билан бошқа ёзувчи-лардан ажралиб турарди. Бир сафар бир таниқли ун-дан: — Сизнингча, ким баланд — Шекспирми ёки Гёте? — дея сўрайди.

— Менинг шахсий тикувчим Кубакин, — деб жа-воб қайтаради зйрак ёзувчи. — Ия, нима учун? — сўрайди ҳалиги одам. — Чунки, — жилмайдй ёзувчи, — унинг бўйи уч метрдан ошди. Бу жавоби билан ёзувчи қўллаб адабиёт бў-юкларни орасида ўзига душман топди.”

Табиийки, ҳеч биримиз бундай “латифа”лардан ҳоли эмасмиз, аммо уларни илоҳи борича қамайти-ришга уриндим ва мен ҳақимда келажакда ёзилиши керак бўлган барча латифаларни ўзим ёзишга қарор қилдим. Биринчи навбатда, шундан бошласам. Бу воқеа тахминимча бир ойлар олдин содир бўлганди.

Марҳум ёзувчи Аркадий АВЕРЧЕНКОННИНГ Хо-тира дафтаридан: “Марҳум ёзувчи Аверченко, кўпчилигимизга маъ-лумки, бегона одамлар билан ҳазиллашишга мойил бўлган. Бу одат уни кўпчилик ёқтирмаслигига олиб келган. Биз қўйда айтмоқчи бўлган воқеанинг рост эканини адибнинг қўллаб дўстлари тасдиқлашлари мумкин. Кунларнинг бирида, қор кўчиқлари поезднинг ол-дини тўсиб қўйганлиги сабабли қўллаб одамлар ва ёзувчи Аркадий кетаётган поезд ярим йўлда қолади. Ёзувчи тезроқ бу муаммони ҳал қилиш кераклигини, агар тезроқ бу ердан кетиш тараддудини кўришмаса яна бир кундан кейин оч қолишлари ҳақида шикоят қилади. Шу пайт айни хонада ўтирган одамлардан бири Аверченкони масхара қилади: — Келингар яхшиси, эртага ҳаммамиз қўрва ташлабмиз, ким ютқазса, ўша одамни ейми... Сиз шу фикрга нима дейсиз Аркадий Тимофеевич, ма-бодо сиз ютқазсангиз, биз сизни еб қўйсак нима қи-ласиз? — Ниямай қилардим, майли дейман. Қолганлар-нику билмадим, лекин сизнинг менинг гўштимга ти-шингиз ўтмаса керағов... — жавоб қайтаради марҳум ёзувчи.”

Айтмоқчи бўлганим шуки, бу вазиятда бошқача жавобимдан мен аҳмоқча ўхшаб кўришиб қолишим эҳтимоли катта эди. Балки, ўша пайтда бу жавобнинг остидаги гапни ҳеч ким тушунмагандир, аммо мана йиғилган ўтиб, уни шарҳловчилар топилди. Азиз ўқувчим! Бу айни пайтгача бўлган мен ҳақимдаги ягона латифадир. Сизга ҳазил ёқадими ёки йўқ, билмайман. Бироқ бу латифа юз фоиз ҳақиқатлигига қафолат берман. Ахир таниқли ге-нерал Драгомиров ва машҳур шоир Минаев сингари донишманд одамларга қараганда сал эҳтиёткорроқ бўлмоқ фойдали деб ўйлайман.

Рўс тилидан Раҳмат БОБОЖОН таржимаси.

“HURRIYAT”GA XAT

Кекса ижодкорлар дарди

“Hurriyat” газетасини ўқиган ҳамто бе-мор одам кўпича дарёиза малҳам тогган-дек бўлади. Ушбу газетанинг бошқа мат-буот нашрларидан фарқи шундаки, у олқиш-у мақтовларсиз дангал мақсадини “айта олади”. Мен ҳам бир кекса ижодкор педагог сифа-тида буён бир “ёрилгим” келди. 40 йилга яқин Янгийул туманидаги 3-мактабда ишладим. Бадий адабиёт билан жиддий шуғуллан-ман. Нафақа пуллимдан тежаб-тергаб, йиғиб, бир амаллаб китоблар чиқармоқдаман. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида тез-тез бола-лар насрий асарлари бўйича маърузалар қилиб ту-раман. Ўтган асрда “катталар хурматда, кичиклар эъзозда” (“стариканг везде почёт”) деган иборалар қўлланилар эди. Яқинда телевидение орқали шўринг қўрғур шоир, ёзувчи соғлиги, оромидан кечиб асар ярат-гани камлик қилгандек, энди у ўз маблагидан ки-тоб чиқариши керақ(ми)?, деган мавзуда муҳокама бўлди. Бу масала кўп марта тавропланмоқда. Аслида, Ёзувчилар уюшмасида ва вилоят бў-лимларида (айниқса, ёш) ижодкорларга эътибор кучли, яъни дам олиш уйлари, поликлиникалар ишляпти, ёш ижодкорларнинг биринчи китоблари давлат ҳисобидан чиқариляпти, яна бошқа мақ-садларга катта маблағлар ажратилаётгани ҳақида эшитамиз. “Тўғри, “Шарқ”, “Ўзбекистон”, “Янги аср авлоди” нашриётларида менинг ҳам китобларим чиққан. Энди бундай имкониятни 5-10 йиллаб қутишга умр етармикин? Хоҳлардимки, ҳар-ҳар замонда бўлса ҳам дав-лат кекса ижодкорларга ҳам эътибор қаратса. Майли, бадий кенгаш аввал асарни яхшилаб кўриб берсин, хулоса берсин. Мен, масалан, та-ниқли адиб ва шоир Омон Муҳтор ижодига бағиш-ланган китобимнинг кўлемасини аввал тажрибали адабиётшуносларга ўқитиб, улар маълумоқда, ўз ҳисобимдан хусусий нашриётда чиқармоқдаман. Аммо бу бир нафақадаги кекса ижодкор учун катта маблағ талаб қилади.

Муҳайё ТўЛАГАНОВА, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ҳаёқ таълимни ходими.

1-6. Хазиний турани кўрган нуронийларнинг эслашича, у камтарин, олийжаноб, мулоим табиатли, топган-тутганини халқ билан баҳам кўрувчи, хайрли ишларга бош-қош бўлувчи, нур чехрали киши бўлган. Унинг инсоний фазилатлари асарларига ҳам кўчган, кўпинча халқ ва юрт қайғусидан фиғон чекиб қоғоз қоралаган. Шу маънода, Ҳазиний назм гулшанининг маънос султони эмас, у кўнгиллараро эътиқод ва иймон излаб юрган, меҳр-оқибат устувор бўлмоғини Оллоҳдан сўраб ўтган чинакам сўфий, ҳақиқий ориф, истеъдодли шоирдир.

У ўз даврида ирфони ва асарлари билан мислсиз шуҳрат қозонган. XX аср бошларидаги 19 тошбосма асарда шеърларидан намуналар учрайди. "Баёзи Ҳазиний" тўплами 1910–1913 йилларда 7 мартаба чоп этилган, шеърлари машҳур хонандалар томонидан кўшиқ қилиб қўйлаб, тилдан-тилга кўчиб юрган Ҳазиний ижодига бошқа ҳаммаслақлари қатори шўро даврида парда тортилди. Уғли Амакижон кўлида сақланган девони 1939 йили НКВД ходимлари томонидан олиб кетилган. Ҳозиргача топишган эмас.

Ҳазиний етти мумтоз жанрда қалам тебратган. Улар ғазал (121 та), мураббаъ (12 та), мухаммас (27 та), мусаддас (12 та), маснавий (1 та), таърих (2 та) ва фард (3 та). Адабий мероси 4000 мисра атрофида.

"Инсон гўзаллиги ва ишқ-муҳаббатни улуғлаш, исломий иймон-эътиқод ва покдомонлиқни тарғиб этиш, тоат-ибодат ва одоб-ахлоққа, сабр-қаноат ва меҳр-муҳаббатга даъват Ҳазиний асарларида етакчи мавзу сифатида бадиий юксак ифодасини топган. Шоир инсон қадр-қимматини шарафли деб билади, унга абадий бахт-саодат тилайди:

Бу жаҳонга ким келибдур, бўлмасин бахти қаро!

Шоир шеърияти худди шу фазилатлари билан кенг омма дилига йўл топан", дея ҳақли таъкидлаган эди марҳум адабиётшунос, профессор Абдурашид Абдуғафуров.

Бир ғазал тарихи

Ҳижрон ўтига бағрим сўзона тонг отқунча,
Уртаб юрагим, жиссим бирёна тонг отқунча.

Ман Вомиқ-у Уро – сан, васпинга етопмасдин
Ҳар кеча қароргоҳим остона тонг отқунча.

Раҳм айла бу ҳолимга, эй кўзлари хуморим,
Ҳажрингда бу кўнгуллар вайрона тонг отқунча,

Ҳеч кимга деёлмасман бу арз ила ҳолимни,
Қонга жигарим тўлди гирёна тонг отқунча.

Хилватда агар кўрсам, сирримни баён айлаб,
Сан бирла бўлай анда ҳамхона тонг отқунча.

Ахшомда жамолингни шамъини мунаввар қил,
Айтай санга ҳолимни, парвона тонг отқунча.

Найлайки, иложим йўқ, ҳар кўчада йиғларман,
Тор ўлди Ҳазинийга Фаргона тонг отқунча.

Ҳазрат Зиёвуддин Ҳазиний ўз номини биргина "Фаргона тонг отқунча" радибли ғазали билан тарихга муҳрлаб кетган учқўприклик алломаларидан. Ҳазиний ҳануз тиллардан-тилларга кўчиб юришининг сабаби бошига тушган машум воқеа таъсиридан қаттиқ муассир бўлгани, қароматгўй пир сифатига келгусидаги фожиалар, буюқ йўқотиш ва қирғинбаротларни ич-ичидан ҳис қилгани бўлса ажаб эмас. Айтишларича, юртимизни босиб олган Россия босқинчиларидан, ўзини Фаргона вилоят губернатори деб атаган Скобелев деган муртад Ҳазинийнинг мумтоз шеъриятдан баҳраманд бўлиш баҳонасида чақиртириб, унинг шарофига махсус тайёрланган байрам дастурхони – балга, "янги маданиятнинг ижобий қирралари"ни томоша қилишга таклиф этади. Уни рус аёллари билан рубўрай ўтказиб, ғайридин офицерлар қаторига қўшиб қўйишади. Бирон-бир лўкма тановул қилмаса-да, уни ўрнидан туришига йўл беришмайди. Маишат тонгача давом этади. Маст-аласт ҳолдаги "маданиятчи жаноблар" тарқалиб бўлгангина Ҳазинийнинг кетишига изн берилади. У йўл бўйи йиғлаганча биз билган "Фаргона тонг отқунча" ғазалини битиб, қуйлаб борган экан.

Ҳазиний юрти бўлмиш Учқўприкнинг Катта Кенагас қишлоғида туғилиб ўсган Эркинжон Ражабовнинг сўзига кўра эса ғазалининг эл орасида тарқалган яна бир варианты мавжуд экан. Унга кўра, генерал Скобелев Фаргонанинг олиму уламоларини рус маданиятини намойиш қилиб қўйиш мақсадида бир залга йиғиб, балет кўйиб беради. Кўп уламолар балет бошланганидан бошларини қуйи солиб ерга қараб олган, жумладан, Ҳазиний ҳазратлари ҳам. Носаролар рақи тугагачина, бошларини кўтарганини кузатиб турган генералнинг хотини уларнинг эътиқодига тан бериб ҳайратини эрига айтади. Шунда Скобелев уларни жазолаш ўрнига майли тонг отқунча Фаргонани тарқ қилсинлар, деб буйруқ берган экан... "Биз шунчаки қўшиқ (Мухторжон Муртазов куй басталаган) деб эшитадиган бу ғазалда ҳазрат Ҳазинийнинг қанчалар дарду алами зоҳир. Мустанлакчилар туйфайли ўз Ватани, ўз она шахрига сизмаган зилқиларимиз изтиробларининг акси бор", дейди учқўприклик Эркинжон Ражабов.

Ҳазинийнинг чевараси Нарғиза Манзурнинг мулоҳазалари ҳам жуда эътиборли. Ғазал ошиқона, орифона мазмунда бўлиб, ишқ оташида ёнаётган ошиқнинг ёр васлига етгунча кўз ёш тўкиб, оҳ-нола ила сабр этмоқликдан ўзга чораси йўқлиги, тонг отқунча қадар шу изтироб оғушида, ҳатто маконига (Фаргонага, тағмазмунда замин, ерга) ҳам сизмаётгандек бўлаётгани тасвирланади. Ғазал матнининг мазмун-моҳияти бирламчи маънода мажозий ишқ ва ошиқ ҳолатининг ундаги аксига ишорат қилаётгани аён. Ҳазиний ижодида ишқи мажозийдан ишқи илоҳийга нисбат бериш етакчилик қилади. Шу ўринда, иккиламчи маънос – Аллоҳ томонидан амалга ошириладиган улўғ ҳисоб кунининг тонги олдида Ҳақ ошиғи бўлган солиҳнинг аҳволи-руҳиясидир. Чунки шайху шоир Ҳазиний туранинг руҳий олами ва камолоти шунга далолат қилади.

Ҳазинийга қайтиб

– Ҳазиний туранинг манзиллини обод этишни чин дилдан аҳд қилганман, – дейди аллома шоирнинг чевараси Нарғиза Ваҳобова. – 2013 йил 16 сентябрь. Ҳомилла етти ойлик. Бешта аппарат ҳам боламнинг ногирон туғилишини башорат қилди. Докторлар ундан воз кечишимни қатъий талаб этишляпти. Не қиларимни билмай, эртаси кунни эртадан кенгача сажада бош қўйиб, фарзандимнинг соғлом дунёга келишини Худодан ёлвориб сўраганман. Уша пайтлари Ҳазиний бобомнинг макбараси қаровсиз, хароб аҳволда эди. Бу ҳолат мени анчадан буюв ташвишлантирарди. Уша кунни фарзандимни соғлом қўлимга олиб олсам, албатта у масканини обод қиламан, деб Аллоҳни зикр айлаб кўнглимдан ўтказдим. Худонинг қудрати билан Мўминахон қизим соппа-соғ туғилди. Ун ойлик бўлганда, яъни 2014 йили бобокалонимнинг руҳларини

шод этиш учун шахд билан иш бошладим.

Аслида Ҳазиний уй-музеи 1995 йили барпо қилинган, аммо 2012 йили уни ташкил этиш бўйича ҳеч қандай қарорнинг йўқлиги боис фаолияти тўхтаб қўйилган эди. Унгача маҳаллага қарашли норасмий масжид биносидан 3 та шатат бирлигида фаолият юритган. Ордан икки йил ўтиб, Нарғиза Ваҳобова бошчилигида жамоатчилик асосида Учқўприк тумани ҳокимлиги қарорига кўра давлат рўйхатидан ўтказилган. 2016 йилга келиб масжид биносининг музей тасарруфига ўтиши тўғрисида ҳоким қарори чиққан.

2019 йилда Н. Ваҳобованинг саяё-ҳаракатлари ҳамда Президентимизнинг шахсан ташаббуслари билан 72 сотихлик майдонда муҳташам Ҳазиний мажмуаси барпо этилди. Қаровсиз ётган Ҳазиний зиёратгоҳига давлат бюджетидан 1 миллиард 200 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Икки йил (2017–2019) мобайнида қайта қурилиб, ҳозирги кунда зиёратчиларнинг қадами узилмас мўътабар масканга айлантирилди. Ҳазиний тўра ҳаёти ва ижодига доир экспонатлар, қолаверса, ўша давр Кўкон адабий муҳитини акс эттирувчи маданий мерос уйма-уй юриб топилди, ҳануз бу изланишлар давом этмоқда.

Зиёратгоҳда иккита экскурсия зали мавжуд бўлиб, 300 дан ортиқ экспонат сараланиб, маҳорат ва дид ила безатилган. Мажмуадан Зиёвуддинхон Ҳазинийнинг ота-онаси, ўзи, ака-укаси ҳамда фарзандлари, қолаверса, авлодларининг ҳам қабрлари ўрин олган. Бу ерни зиёрат қилиб, ҳам руҳий энгиллик, ҳам маънавий озуқа, билим олиб кетувчилар кўп.

Шўқри, эркимиз тўлалигича ўз қўлимизга ўтга, бошқа кўллаб улўғларимиз каби Ҳазиний ҳам халқимизга қайтди. Унгача халқимиз бошига Ҳазиний башорат қил(ма)ган ўша машум кунлар келди. Тарихимиз, маданий меросимиз йўқ қилинди. Собиқ Иттифоқдаги мафкураравий таъйиқ туйфайли бу даврдаги илмий ва бадиий адабиётларда Ҳазиний адабий меросига синфийлик нуқтаи назаридан, ноҳолис ёндашилди, камситилди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари номзоди Аҳмаджон Мамадинов илк бора шоирнинг айрим шеърларини жамлаб, "Тасаддуқ, ё Расулуллоҳ" номи билан чоп эттирди. Сўхбатимиз давомида Нарғиза опа мамнунлик ила 2019 йили кўрган тушини хотирлади. "Тушимда тонинг чўққисидан турганмишман, Мухаммад (с.а.в) мандан ҳам баландроқ чўққидан туриб, табассум билан боқиб турганмиш". Улуғлар бу тушининг таъбирини Ҳазинийнинг руҳи шод бўлганига йўйдилар...

Ҳазинийнинг авлодлари қаерда?

Ҳижрий 1287, милодий 1870 йилда тузилган шажарада ҳазрат Ҳазинийнинг ота томонидан Набираҳужа эшон исмли аждоди йигирма олтинчи насаб билан халифа Ҳазрат Алининг отаси Абдумуталлибга етиб бориши қайд этилиб, ҳужжат 74 муҳр билан тасдиқланган. Иккинчи шажарада она томонидан Пайгамбаримиз Мухаммад (с.а.в)га боғланиши кўрсатилган. Маълумотномага 22 та муҳр босилган. Шажаралардан маълум бўлишича, Ҳазиний аждодларидан ўнлаб кишилар ўз даврининг машҳур олим ва шоирлари бўлишган.

Зиёвуддинхон Ҳазинийдан 5 қиз, 2 ўғил фарзанд қолган. Пўлат Қайюми "Тазкираи Қайюми" асарида "...вафотидан сўнг икки хотун ва ўғиллари қолди...", деб таъкидлайди (катта ўғли Аслиддинхон (Амакижон) ва отаси вафот этганида бир ёшга тўлиб-тўлмаган Сотиболдихон Зиёвуддин (1922–2005).

Сотиболдихон эшонтуранинг ўзидан 7 фарзанд, 200 нафардан ортиқ набира, чевара – авлод қолган. Ҳозир мутафаккир авлодлари ўзи туғилиб ўсган Катта Кенагас қишлоғида руҳи покига дуои саловат айтиб, чирогини ёқиб ўтирибдилар. Улар орасида бобосининг йўлидан бориб, шеърият, илмга меҳр қўйганлари ҳам талайгина. Жумладан, тарихчи, табиб Моҳира Маматова, шоира Шаҳзода Бўронова, Нодира Зиё, Нарғиза Манзур ва Махбуба Ақромова, Мухаммад Зиё, неварар-кувчи, Ҳазиний тадқиқотчиси Отабек Жўрабоев Ҳазинийнинг муносиб ворисларидан.

Севара А.П.ЖОНОВА.

ЎЙЛАБ КЎРИНГ

Татуаж

ОЖИЗЛИК ВА НОШУҚРЛИК БЕЛГИСИМИ?



Дугонам шундоқ ҳам чиройли ва ўзига доим ярашиб турадиган қалин қошларини татуаж қилди. Кўрдим-у, ажабландим. Чунки унинг юзидаги табиийлик ва самимийлик бутунлай йўқолган эди. Тўғри, унга татуаж қайсидир маънода ярашган. Бироқ соғлом ва тим қора қошлари бор қизга сунъий қош керак эмасди, чамамда. Афсуски, ҳар тонг қошларини қалам билан бўяшдан чарчагани ва ҳозир татуаж ёшлар орасида урфага кирганини фахрлиб айтаётган дугонамининг қошлари каби сунъий сўзларини эшитиб, қўлимдан унга ачишидан бошқа ҳеч нарса келмади...

Ҳақиқатан ҳам, инсонга деярли фойдаси бўлмаган татуаждан аксарият қизлар, аёллар унумли фойдаланишляпти. Нега? Ростан ҳам шиддатли замонамиз улардан шундай сунъий пардозни талаб қилаётими ёки бу шунчаки замонавийликка ишқибозликми? Умуман, инсоннинг табиий гўзаллиги сунъий никобга муҳтожми?

Татуажнинг нима дегани, дейсизми? Татуаж – игна ёрдамида юз қисмининг маълум аъзоларига сунъий бўёқ чизишдир. У 3–5 йилгача сақланиб, юз аъзоларидан лаб, қош ва кўз қисмида кенг фойдаланилади. "Татуаж" сўзи асли инглизча бўлиб, узоқ муддатга мўлжалланган грим, пардоз деган маънони англатади. Айтишларича, қадимги Миср маликаси Клеопатранинг асосий юз пардоз саналган татуаждан дастлаб эркаклар ҳам, аёллар ҳам бирдай фойдаланишган. Кейинчалик бу Европа ва АҚШда оммалашиб, бошқа мамлакатларга кенг ёйилиб кетган.

Ешларнинг сунъий пардозга мойиллигининг ортиб бориши сабабини психологлар лаб, қош ва кўзларини татуаж қилдирган қизлар бу орқали гўзаллик оламининг етакчи "тренд"ларига айланишни исташи, дея баҳолашади. Бунинг замирида "Ўзимни етарли даражада гўзал деб ҳис қилмаяпман" деган сирли тушунча ётади. Бу ўзининг ташқи кўринишидан қониқмаслик ҳиссидир. Татуажни чирой деб ҳисоблаганлар ўзларидан чирой этишмаганидан хафа инсонлар турига қиради. Бир сўз билан айтганда, татуаж – кучсизлик, ожизлик ва ношўқрлик белгиси десак ҳам хато бўлмаса керак.

Бу борада университет ва кўча-кўйдаги йигитларнинг, эркакларнинг фикри билан қизиқдик. Бу инсонлар ҳам табиий гўзаллик сохталикдан барибир устун туриши, ўзбек аёллари табиий гўзаллиги ва опа-сингилларимизга ҳеч қандай сунъий пардознинг кераги йўқлигини айтишди.

Ўтмишдан ҳам маълум, Шарқ аёлларининг хусну-латофати га гарблиқлар ҳамшира ҳавас қилиб келишган. Тўғри, татуаж туйфайли пардоз анжомларини харид қилишга кетадиган маблағ ҳам, ҳар кун "асан-тусан" учун кетадиган вақт ҳам тежаллади. Лекин саломатлигимиз-чи? Хуснидан кўнгли тўлмаётган опа-сингилларимиз янада чиройли бўлиш учун гўзаллигига "ишлов беришаётганда", соғлиги хусусида бош қотириб кўришармикан?

Мутахассислар фикрича, ўттизга ҳам кирмасдан юзга ажин тушиши, кўз нурунинг сусайиши ва яна бир қанча омиллар юқоридаги амалларнинг самарасидир. Татуаж қош ва кўз қисмидаги амалларнинг тезлаштириши ҳам аллақачон фанда ўз исботини топган. Зеро, татуаждан сўнг терининг бир сутка давомида шишиб туриши организмдаги герпетик вируслар авж олишга, лаблар атрофига учуқ тошишига олиб келади. Герпетик вируслар эса тезда қонга ўтиб, бошқа бир қатор касалликларни ҳам келтириб чиқаради. Юзнинг асаб томирларига етказадиган зарарларинику айтиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Татуажда ишланган бўёқларни бир неча шахсларда қўллаш туйфайли эса тери остининг шикастланиши, гепатит В, гепатит S, ҳаттоки ОИТС инфекцияси кузатилиши аниқланган...

Инсон Оллоҳ таоло яратган мўъжизаларнинг энг онглиси, энг қудратлисидир. У хоҳ аёл бўлсин, хоҳ эркак, Оллоҳ томонидан тенгсиз гўзаллик, кўркамлик ва хусн ато этилган. У одамзодни яратар экан, инсоннинг суратини ўзи чизди, ўз хоҳишича бунёд этди. Ушш, хуснидан кўнгли тўлмай, сунъий пардоз-андозга муккасидан кетганлар ана шу ато этилган неъматларга хиёнат қилишмаяптими? Ахир муқаддас Ислом динида ҳам бизга омонатга берилган танага сабабсиз тиг текизиш, унга азоб бериб, ўзгача шакл бериш бежиз қаттиқ қораланмаган.

Атрофга назар солинг. Дунёда қанчадан-қанча хаста, ожиз ёхуд танасининг маълум бир қисми ҳаракатланмайдиган ёки қайсидир тана аъзоси умуман йўқ, бу неъматлардан бутунлай маҳрум бўлган инсонлар қанча. Сиз 3–4 йиллик ўткинчи гўзалликни деб, беаёв тиг текизиётган, жароҳат етказётган юз қисмларингиз кўзи ожиз, соқов, хаста одамлар учун қанчалик азизлигини тасаввур ҳам қилолмайсиз!

Зухра АХМЕДОВА,

Ўзбекистон Миллий университети талабаси.

ТАЪЛИМ

Ижодий муҳит жонланяпти

Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбари "Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонни имзолаган эди. Фармонга мувофиқ, 2021 йил 1 январдан бошлаб ҳар бир умумтаълим муассасасида ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозими жорий этилди.

2021 йил 1 апрелдан барча мактабларда бу лавозим ходимлари иш бошлади. Жумладан, бизнинг Тошкент шаҳар Яқкасарой туманидаги 144-мактабда ҳам ижодкор ўқувчиларимизни бир жойга тўплаб, уларнинг ўз устида ишлари ва ўзаро фикр алмашиши учун барча шароитлар яратилди. Айни кунда мактабимизда "Ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи" лавозимда Ўзбекистон Езувчилар уюмчаси тасвир этган ижодкор Абдулазиз Аҳмедов фаолият олиб бормоқда.

Еш ижодкор ёшлар билан биргаликда ижодий тўғарак ташкил қилиб, уларга керакли билим ва маслаҳатлар бериб бормоқда. Қолаверса, ўқувчилар билан тез тил топишиб, адабиёт, ижод ва журналистика соҳасида машғулотлар ўтказяпти. Шу билан бирга, ёзги таътил пайтида ҳам ўқувчиларнинг буш вақтини мазмунли ва самарали ташкил этиш мақсадида турли тадбир ва ижодий кечалар ташкил этилмоқда.

Сайёра ТОЖИБОЕВА,

Тошкент шаҳридаги 144- мактабнинг Ёшлар иттифоқи етакчиси.

РАССОМ ХАНДАСИ

ИНТЕРНЕТКАФЕ

Бу энди эртак эмас...



Хусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

